## ХОРИЖДАН КЕЛИН ОЛСА БЎЛАДИМИ?

**Ўзбекистон Республикаси фуқароси билан чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар ўртасида тузилган никоҳлар Ўзбекистонда ҳақиқий деб эътироф этилади. Бундай никоҳга кириш учун Ўзбекистон ёки хорижий давлатнинг никоҳни қайд этиш (ФҲДЁ) органларига умумий асосларда мурожаат этиш мумкин.**

3 бет

## МАСОФАДАН ЎҚИТУВЧИ ФИРИБГАР

**...Марказга ҳадеганда абитуриентлар ҳужжат топширишавермагач, таъсисчи ва директор И.Мирзаалиев гўё бакалавр даражасининг берилиши тўғрисида овоза тарқатди. Олий маълумотли чет тили мутахассиси бўлиш истагидаги ёшлар ёпирилиб кела бошлашди.**

9 бет


# Huquq

Mustaqillik huquq demakdir

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI BOSH PROKURATURASINING NASHRI

1997-yil 27-avgustdan chiqa boshlagan www.huquq-gazeta.uz 2010-yil 21-yanvar, №03 (680)


*Бош прокуратурада*

# БАЙРАМ ТАДБИРИ БЎЛИБ ЎТДИ



Ўтган ҳафта Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида "14 январь — Ватан ҳимоячилари куни" муносабати билан байрам тадбири бўлиб ўтди. Унда Бош прокурор ўринбосарлари, бошқарма ва бўлим бошлиқлари, шунингдек, бошқарма ва бўлим прокурорлари иштирок этдилар. Байрам тадбирини Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори Р.Қодиров очар экан, барчани ушбу улуғ сана билан самимий муборакбод этди.

Шундан сўнг Бош прокурор ўринбосари, Республика Ҳарбий прокурори Ш.Узаков байрам табригини йиғилганларга ўқиб эшиттирди.

Кучли фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий демократик давлат сари илдам одимлаётган мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш, аҳоли тинчлиги ва осойишталигини таъминлаш борасида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа органлар қатори прокуратура органлари ҳам ўз олдиларига қўйилган вазифаларни талаб даражасида уддалаб келмоқдалар. Юртимизда эзгу мақсадлар йўлидаги ҳар қандай фидокорона меҳнат албатта қадрланади. Кейинги йилларда прокуратура органлари ходимлари ҳам меҳнатларига муносиб давлат мукофотларига сазовор бўлмоқдалар. Тадбирда Президентимизнинг 2010 йил 11 январдаги Фармони билан Тошкент ҳарбий округи ҳарбий прокурори Ярматов Махмуд Исмоилович "Содиқ хизматлари учун" медали билан, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокуратураси жиноятларни тергов қилиш бўлими бошлиғи Гозиев Дилмурод Нормуродович "Шуҳрат" медали билан мукофотланганлиги айтиб ўтилди.

Бундан ташқари, тизимда фидокорона ва ҳалол меҳнатлари билан жиноятчиликка қарши кураш ва қонунийликни таъминлашга ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшиб келаётган ҳамда хизмат вазифаларини намунали бажараётган бир қатор ходимларга рағбатлантирувчи мукофотлар топширилди.

Бош прокурор Р.Қодиров мукофотларни топширар экан, барчага оилавий тинчлик, бахт-саодат, келгусидаги хизмат вазифаларига каттадан-катта муваффақиятлар тилади.

**Абдумалик АЛЛАМУРАДОВ,**
**Бош прокуратура бошқарма прокурори**

# Ҳамкорлик таъминланади

**Андижон вилояти ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларининг 15 январь куни бўлиб ўтган мувофиқлаштирувчи Кенгаши йиғилишида 2009 йил якунлари ва келгусидаги вазифалари муҳокама қилинди.**

Кенгаш йиғилишида ИИБ, СВОЖЖДЛҚК, Адлия ва Суд ижро департаменти, Давлат Божхона, Солиқ, Фавқулодда вазиятлар вилоят бошқармалари бошлиқлари, жиноят ва фуқаролик ишлари бўйича вилоят судининг раислари ҳамда Андижон ҳарбий прокурори иштирок этдилар.

Шунингдек, анжуманда шаҳар ва туман прокурорлари, СВОЖЖДЛҚК ҳудудий бўлим бошлиқлари, жиноят ишлари бўйича судлар раислари, ИИБ бошлиқлари қатнашдилар.

Йиғилишга раислик қилган вилоят прокурори Б.Деҳқонов ўтган йилдаги иш фаолиятини танқидий таҳлил қилиш, шу асосда келгусидаги режаларни белгилаш зарурлигини уқтирди.

Вилоят прокурорининг биринчи ўринбосари М.Эгамбердиевнинг маърузасида 2009 йилда қонунийликни мустаҳкамлаш, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасида амалга оширилган ишлар атрофлича таҳлил қилиб берилди.

Йиғилишда сўзга чиққанлар амалга оширилган ишлар ва йўл қўйилган хато ва камчиликларни бартараф этиш, идоралараро ҳамкорликни кучайтириш, ҳуқуқбузарлик ва жиноятларнинг олдини олиш хусусида фикр-мулоҳазаларини баён қилдилар.

Йиғилишда, айниқса ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари томонидан кенг жамоатчиликни жалб этган ҳолда жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, бу борада профилактика фаолиятининг самарадорлигини оширишга аҳамият қаратилди. Шунингдек, фуқаролар томонидан чегара режимига риоя этиш, давлат чегарасидан товар ва моддий бойликларни ноқонуний олиб ўтилишига қарши курашишни кучайтиришга алоҳида эътибор берилди.

Йиғилиш якуни бўйича Кенгашнинг 2010 йил 1-ярмига мўлжалланган иш режаси ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва назорат органларининг жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларга қарши кураш бўйича 2010 йилга мўлжалланган тадбирлар Дастури тасдиқланди.

Йиғилишда вилоят ҳокими А.Усмонов иштирок этди ва маъруза қилди.

**Ўз мухбиримиз**

# ҚИЗИҚАРЛИ УЧРАШУВ

Мана бир неча йилдирки, прокуратура органларида хизмат қилаётган ёш мутахассисларнинг касб-маҳорати ва малакасини ошириш, ўз ишини мукаммал ўрганиб, келгусида етук мутахассис бўлиб шаклланишига эришиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўқув курсларида таҳсил олаётган тингловчилар ҳамда ёш мутахассисларнинг ҳуқуқ-тартибот соҳасида узоқ йиллар меҳнат қилган прокуратура фахрийлари билан учрашувларини ўтказиш одат тусига кириб қолди.

Бундай тадбирларни ўтказишдан мақсад нафақадаги фахрийларимизнинг иззат-ҳурматини жойига қўйиш, уларни эъзозлаш билан бирга прокуратура органларида меҳнат қилаётган ҳар бир ходимни ўз касбининг фидойиси бўлиб етишишида ижобий таъсир кўрсатиш ҳамдир.

Жорий йилнинг 14 февраль — Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан бўлиб ўтган учрашувда ҳам прокуратура соҳасидаги 35 йиллик фаолиятининг 15 йилини ҳарбий прокуратурага сафарбар этган, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист, адлия полковниги Оринбой Манапов ҳамда прокуратура соҳасида 1977 йилдан бери турли лавозимларда меҳнат қилиб, бугунги кунда Олий ўқув курслари кафедра мудири вазифасида фаолият юритаётган, 3-даражали Давлат адлия маслаҳатчиси, юридик фанлари доктори, профессор Бахтиёр Пўлатов ва Республика прокуратура органлари фахрийларини қўллаб-қувватлаш жамоатчилик Маркази раисининг ўринбосари, адлия катта маслаҳатчиси Маркс Шарафутдинов иштирок этдилар.

Тингловчилар билан мулоқотда бўлган меҳмонларнинг ҳар бири узоқ йиллар прокуратура соҳасида ҳалол меҳнат қилиб, ўзига хос мактаб яратган инсонлар десак муболаға бўлмайди. Шу боис бўлса керак, улар томонидан хотираларига суянган ҳолда ҳикоя қилиб берилган фаолиятларига оид турли воқеалар ёшларда катта таассурот қолдирди.

Тадбир сўнггида тингловчилар меҳмонларни байрам билан қутлаб, уларга совғалар тақдим этишди.

**Маъмура ДУСИЯРОВА,**
**"Huquq" мухбири**


*ОБУНА —2010*

## *Ҳурматли газетхон!*

***Жамиятимизда ҳуқуқий маданиятни янада юксалтириш бугун олдимизда турган устувор вазифалардан эканлиги маълум. Бу жараён барча ҳуқуқий нашрлар қатори "HUQUQ" газетаси зиммасига ҳам масъулиятли вазифалар юкламоқда.***

***Шу маънода, "HUQUQ" газетаси ҳуқуқий демократик давлат ва эркин фуқаролик жамияти барпо этишнинг ҳуқуқий асослари, ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий ислоҳотларнинг мазмун-моҳияти, самарасини кенг тарғиб қилиш билан бир вақтда жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг ҳар қандай кўринишига қарши жамоатчилик фикрини уйғотишни мақсад қилиб олган.***

***Суд-ҳуқуқ ислоҳотлари, прокуратура фаолияти, жиноят ва жазо, инсон ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоясига оид энг сара, таҳлилий мақолалар газетхонлар эътиборига ҳавола этиб келинмоқда. Шунингдек, таҳририятимизга йўлланган ҳеч бир хат, ҳеч бир мурожаат эътиборсиз қолмайди.***

***2010 йилда ҳам "HUQUQ" газетаси Сизнинг энг яқин ҳамкорингиз бўлиб қолади.***

**ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА!**

*Нашр кўрсаткичи — 231*


# ЎҚУВ МАШҒУЛОТЛАРИ ДАВОМ ЭТМОҚДА

Қонун устуворлигини таъминлаш, давлат ва жамият манфаатларини муҳофаза қилиш, тинчлик ва осойишталикни сақлаш каби масъулиятли вазифаларни зиммасига олар экан, ҳар бир прокуратура ходими адолатпарварлик, ватанпарварлик, бурчга садоқат, маънавий етуклик каби фазилатларга эга бўлмоғи шарт. Шу маънода, Тошкент шаҳар прокуратураси ходимларининг касб малакаси ва маҳоратини ошириш борасида мунтазам равишда ўқув машғулотлари ўтказилиши ташкиллаштирилган. Ушбу машғулотларга турли вазирликлар, ташкилотлар ва олий ўқув юртларидан мутахассис, олимларни таклиф этиш билан бирга, маҳкаманинг барча бўлим бошлиқлари томонидан ҳам прокуратуранинг асосий йўналишлари бўйича маърузалар қилинмоқда.

Шаҳар прокурорининг бу борадаги Фармойишига кўра ҳафтанинг жума кунлари барча бўлим ва тармоқ раҳбарларидан иборат тузилган жадвалга мувофиқ ўқув машғулотлари ўтказиб келинмоқда. Ушбу машғулотларда сиёсий, иқтисодий ва юридик фанлари доктори, номзодлари ва олимлардан ташқари таниқли ёзувчи ва шоирлар билан ҳам учрашувлар ўтказилган.

Шунингдек, ходимларнинг маънавий дунёқарашини юксалтириш мақсадида жойларда, хусусан Амир Темур музейи, Ўзбекистон тарихи ва Ўзбекистон санъат музейлари ҳамда Шаҳидлар хотираси майдонида маънавият соатлари ташкил қилинди.

Бундай тадбирлар, айниқса, ёш прокурор-тергов ходимларининг ўзлигимизни англаш, тарихимиз ва миллий қадриятларимизни эъзозлаш руҳида камол топишларида муҳим ўрин тутади.

Бундан ташқари шаҳар прокуратураси маҳкамаси ва туман прокуратуралари томонидан ҳуқуқни муҳофаза этувчи органлар ходимлари билан ҳамкорликда турли ҳуқуқий мавзуларда ўқув-амалий машғулотлари ва конференциялар ўтказилиши ҳам ташкил этилган.

**Барно ДАДАХОДЖАЕВА,**
**Тошкент шаҳар прокурорининг ёрдамчиси**

# УДДАБУРОН "ТАДБИРКОР"ЛАР

***Маълумки, банкка топширилган нақд пуллар иш ҳақи, пенсия ва нафақа тўловларини тўлашга йўналтирилади. Шунингдек, корхона ва ташкилотларнинг молиявий-хўжалик фаолияти ошкора ва қонун доирасида амалга оширилиб, солиқ ва бошқа мажбурий тўловларнинг тўлиқ ҳисобланиши ва муддатида тўланиши учун зарур имкониятлар яратилади.***

Айнан шу мақсадларда 2001 йилнинг 22 июнида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Нақд пул муомаласини мустаҳкамлаш ва тижорат банкларининг масъулиятини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" ҳамда 2002 йил 5 августда "Пул маблағларининг банкдан ташқари муомаласини янада қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорлари қабул қилинди.



Мазкур қарорлар қабул қилинганидан сўнг хўжалик юритувчи субъектлар томонидан товарлар сотиш, хизматлар кўрсатишдан тушган нақд пуллар банк муассасаларига топширилиши ҳамда нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизими кенгайтирилиши иш ҳақи, пенсия ва нафақа тўловларини вақтида тўлаб борилиши учун ҳуқуқий замин яратилди.

Шундай бўлса-да, айрим корхона ва ташкилот раҳбарлари ҳамда хусусий тадбиркорлар қонун талабларини менсимай, пулларнинг банкдан ташқари ноқонуний айланмасини амалга ошираётганлик ҳолатлари кузатилмоқда.

Ана шундайлардан бири "Камолот ҳамкор сервис" МЧЖдир. Кунларнинг бирида мазкур жамият раиси Авазбек кўчада таниши Алишерни машинада кира қилиб юрганини кўриб қолади. "Эпчилгина йигит, бирга иш қилган одам ютқазмайди". У шундай хаёллар билан кечга томон Алишернинг уйига йўл олди.

— Ошна, бирга иш қилмаймизми?

— Кўриб турибсан, бекор эмасман.

— Тўғри, қилаётган ишинг билан ҳам тирикчилик ўтаверади. Лекин каттароқ нарсага эришиб бўлмайди-да!

— Бирортаси менга катта даромадни тутқазмагандан кейин, иложим қанча?

— Биров тутқазиши шартми?! Ўзимиз ҳам озгина ҳаракат қилсак, бунга эришишимиз мумкин.

— Қандай қилиб?

— Биласанми, улгуржи ишда барака бўлади. Шунга корхона очиб, бирга иш қилсак дегандим.

— Корхонани қандай очамиз?

— Корхона тайёр. Унга ҳисобчи керак...

— Бўпти, келишдик.

Авазбек Алишерни фикридан қайтиб қолишидан чўчиб, эртасигаёқ уни ҳужжатларни имзолашга чақирди. Ҳужжатлар имзолангач, Алишер ҳисобчиликка тайинланди.

— Энди улгуржи фаолият учун лицензия олиш керак, — деди Авазбек. — Бунинг учун аввал Низом жамғармасини шакллантириб олишимиз зарур.

— Қандай қиламиз? Пул йўқ-ку!

— Пулимиз йўқ деб ўтирсак, ўтиравերамиз-да. Танишларни ишга соламиз.

Шундай қилиб, тадбиркорликни мақсад қилган А.Ботирхонов билан А.Бозоровлар ўзаро тил бириктириб, ишни қонунга зид йўлдан бошлашди. Корхонага улгуржи савдо ҳуқуқини берувчи лицензия олиш учун Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 5 ноябрдаги тегишли қарори билан тасдиқланган "Улгуржи савдо фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги Низом" талабларига асосан корхона Низом жамғармасини шакллантириш учун амалдаги энг кам ойлик иш ҳақининг 3500 баробари миқдорида, шундан 1200 баробари нақд пул билан шакллантирилиши лозим эди. "Тадбиркор"лар эса аслида топширилмаган 33800000 сўм миқдоридаги пулларни топширганликлари ҳақида банк маълумотномасига эга бўлишди. Улар ўзларининг жиноий мақсадлари йўлида яна қинғир йўлдан давом этиб, Андижон шаҳар ҳокимлигига сохта маълумотнома асосида лицензия олишга эришишди. Иш бошидан қонунни четлаган уддабуронлар кейинги фаолиятида ҳам жиноят сари одимлашди. Пул ўтказиш йўли билан 803112200 сўмга сотиб олган маҳсулотларини 765.961.200 сўм нақд пулга сотишади. Жарақ-жарақ пуллар уларни нафс ўпқонига улоқтирди. Оқибатда пул корхонага кирим қилинмади. Банкка топширмаган пулларни ўзларининг эҳтиёжлари учун сарфлашди. Бундай хатти-ҳаракати билан Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 5 августдаги "Пул маблағлари тўғрисида"ги 280-сонли қарори талабларини бузишди. Корхона томонидан 2009 йилнинг биринчи ярим йиллигида жами солиққа тортиладиган базани ташкил этувчи 634636000 сўмлик товар айланмасини амалга оширган бўлса-да, Андижон шаҳар ДСИга тақдим этган ҳисоботида товар айланмаси ҳажмини 32870000 сўм кўрсатиб, солиққа тортилиши лозим бўлган 601766000 сўмлик товар айланмасини яшириб, камайтириб жами 30127300 сўм жуда кўп миқдордаги ягона солиқларни тўлашдан бўйин товлайди.

Халқимиз бежизга "бузоқнинг югургани сомонхонагача" демаган. Уларнинг қонунга зид фаолияти ошкор бўлди. Ноқонуний ишга қўл уриб, иқтисодиётимизга, халқимиз фаровонлигига путур етказадиган сохта "тадбиркорлар" эса қонун олдида жавоб бердилар.

**Зиёдбек АРАББОЕВ,**
**Бош прокуратура ҳузуридаги СВОЖЖДЛҚК Департаментининг Андижон шаҳар бўлими катта суриштирувчиси**
**Махпура ОРТИҚОВА,**
**журналист**

## ПОЧТАДАГИ ЮЛҒИЧЛАР

Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш мақсадида пенсия ва нафақа пуллари тўловининг ўз вақтида ва тўлиқ амалга оширилишини назорат қилиш прокуратура органлари зиммасидаги вазифалардан биридир. Бу борада Пайариқ туман прокуратураси ҳам талай ишларни амалга ошириб келмоқда.

Пенсия ва нафақа тўловларининг туман почта алоқа тармоғи томонидан ўз вақтида пенсионерларга етказилиши аҳволи юзасидан ўтказилган текширишларда бир қатор қўпол қонунбузилиш ҳолатлари аниқланди.

Туман почта алоқа тармоғига қарашли "Бешкапа" алоқа бўлими бошлиғи М.Бўронова Пайариқ почта алоқа тармоғи бош хазинасидан 2009 йил 10 февраль куни нафақахўрларга нафақа пулларини тарқатиш учун 10.000.000 сўм пулни қабул қилиб олган. Бироқ, у ҳужжатга 2.700.000 сўм қабул қилганлигини кўрсатиб, қолган 7.300.000 сўм нафақа пулларни эса талон-торож қилиб юборади. Ҳолат бўйича жиноят иши қўзғатилиб, ўтказилган дастлабки тергов ҳаракатлари давомида етказилган зарар тўлиқ ундирилди.

Шунингдек, туман почта алоқа тармоғига қарашли "Хоса" алоқа бўлими бошлиғи Н.Назарқосимов ва бошқалар 2009 йилнинг 13 январь кунидан 29 январь кунига қадар Пайариқ почта алоқа тармоғидан олинган 18.500.000 сўмлик нафақа пулларидан 3.729.105 сўмини ўзлаштириб юборганлиги аниқланди.

Мазкур ҳолат юзасидан жиноят иши қўзғатилиб, дастлабки тергов ҳаракатлари давомида етказилган зарарлар тўлиқ ундириб олинди ҳамда айбдорлар суд ҳукмига кўра тегишли жазога тортилди.

Туман прокуратураси томонидан 2009 йилнинг 11 ойи давомида юқоридаги қонунчилик ижроси юзасидан ўтказилган текшириш натижасига кўра 25 нафар шахс қонунбузилиши ҳолатларига йўл қўймасликлари тўғрисида расмий равишда огоҳлантирилди. Аниқланган қонунбузилишлар, уларнинг келиб чиқиш сабаблари ва бунга имкон яратиб бераётган шарт-шароитларни бартараф этиш тўғрисида 1 та тақдимнома киритилди. Тақдимнома ва қарорларга асосан 4 нафар шахс интизомий жавобгарликка тортилди. 3 нафар фуқаронинг манфаатларини кўзлаб 442,2 минг сўмлик зарарларни ундириш ҳақида фуқаролик судларига 3 та ариза киритилди. Қўпол қонунбузилиш ҳолатлари бўйича 5 та жиноят иши қўзғатилди.

Бундан кейин ҳам туман прокуратураси томонидан аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишга, пенсия ва нафақа пулларининг ўз вақтида тўланишига оид масалалар устидан назорат олиб борилади.

**Р.ДОНИЁРОВ,**
**Пайариқ туман прокурори**

## "Кунида синган кўза"

Йўловчиларни ташиш ўзига хос масъулиятли иш ҳисобланади. Шу сабабли Ўзбекистон Республикасида амалдаги қонунларга кўра амалга оширилиши учун лицензиялар талаб қилинадиган фаолият турларининг рўйхатида автомобиль транспортида йўловчиларни шаҳарда, шаҳар атрофида, шаҳарлараро ва халқаро йўналишлар бўйича ташиш фаолияти билан шуғулланиш учун лицензия олиш шартлиги кўрсатилган. Лицензиясиз йўловчи ташиш эса қонунга хилоф ҳисобланади.

Лекин баъзи бир фуқаролар йўловчиларни ташиш фаолияти билан шуғулланувчи корхоналар мансабдор шахслари билан келишиб, лицензиясиз фаолият юритганликлари вилоят прокуратураси томонидан аниқланди.

Хусусан, фуқаро Б.Хидиров Термиз шаҳридаги "Яшил чироқлар" МЧЖга ҳайдовчи вазифасига ишга кириб, лицензия олгандан сўнг йўловчиларни ташиши лозим эди. Лекин у "Яшил чироқлар" МЧЖ иш юритувчиси И.Эшмуродов билан олдиндан тил бириктириб, ўзаро жиноий келишувга кўра ёзиб берилган рақамсиз йўл варақаси билан Термиз шаҳар ҳудудида йўловчиларни ташиш билан шуғулланиб келган.

Бундан ташқари, Термиз шаҳрида яшовчи фуқаро А.Самандаров "Яшил чироқлар" МЧЖ иш юритувчиси И.Эшмуродов билан, фуқаро З.Бердиев "Шайх" хусусий фирмаси бошлиғи А.Қаландаров билан, Музработ туманида яшовчи фуқаро И.Ашуров "Автотранспортчи" МЧЖ бошқарув раиси А.Уринов билан, Шеробод туманида яшовчи фуқаро П.Назаров "Юк ва йўловчи ташиш транспортлари" МЧЖ бошқарув раиси Ж.Ғуломов билан ўзаро жиноий тил бириктириб, тегишли тартибда лицензия олмасдан йўловчиларни ташиш фаолияти билан шуғулланиб келганлар. Вилоят прокуратураси томонидан уларга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг тегишли моддалари билан 5 та жиноят иши қўзғатилди.

**Ш.УРИНОВ,**
**Сурхондарё вилоят прокуратураси бўлим бошлиғи**

## ДАРОМАДНИ ОЗ БИЛИБ...

Наманган шаҳрилик Садриддин Жамолов жиноятчи сифатида уч бора қора курсига ўтирди. Ақли расо киши ўзига нисбатан тайинланган жазолардан етарлича хулоса чиқариб, қолган умри давомида ана шу хатоларини тўғрилашга, ҳалол яшашга ҳаракат қилади. Бироқ Садриддин бундай қилмади. Аксинча, топганига қаноат қилмай, яна бир жиноятга қўл уриб, юзи қаро бўлди.

У 2009 йил бошида "ҲОСИЛ КЎМАКЧИ САВДО СЕРВИС" масъулияти чекланган жамиятини ташкил этгач, "Ипотека банк"нинг вилоят бўлимидан ҳисоб рақами очди. Шундан сўнг улгуржи савдо билан шуғулланиш учун олинган лицензия орқали фаолиятини бошлаб юборди. Нияти, тезроқ катта-катта савдо ишларидан кўпроқ фойда кўриш бўлган Садриддин 2009 йилнинг 29 апрелидан 2009 йил 3 июль кунига қадар 1.420.950,8 минг сўмлик дебет ва 1.454.792,4 минг сўмлик кредит айланмасини амалга оширди. Бироқ у савдо-сотиқ қоидаларини яхши билгани ҳолда, пул кўчириш йўли билан олинган 2.918.450,0 минг сўмлик маҳсулотларни нақд пулга сотиб юборди. Савдодан тушган маблағни эса на назорат касса машинасига, на банк муассасасига кирим қилди. Ваҳоланки, бу ишлари Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 26 декабрдаги "Аҳоли билан пул ҳисоб-китобларини амалга оширишда назорат касса машиналарини мажбурий қўллаш тартиби тўғрисида"ги, 2001 йил 22 июндаги "Нақд пул муомаласини мустаҳкамлаш ва тижорат банкларининг масъулиятини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ҳамда 2002 йил 5 августдаги "Пул маблағларини банкдан ташқари айланмасини янада қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарорлари талабларига мутлақо зид эди.

Садриддин ўз қинғир ишларини давом эттириб, гарчи 2009 йилнинг 2-чорак якуни бўйича 3.010.674,0 минг сўмлик товар айланмасини амалга оширган бўлса-да, солиқ идорасига бу суммани камайтириб, 2.897.588,0 минг сўм қилиб кўрсатди. Бундан мақсад, 5.654,3 минг сўмлик солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни тўламаслик эди. Шунингдек, у жамият ҳисобчиси А.Йўлдошев умуман ишга келмаётганини била туриб, ҳужжатларга унинг номидан ўзи имзо қўйиб юраверди. Ҳатто солиқ идораларига топширилган ҳисоботларга ҳам унинг имзосини сохталаштиришдан чўчимади. Бу ҳам камлик қилгандек, ҳеч иккиланмай жамият уставида кўрсатилмаган фаолиятларни ҳам йўлга қўйиб юборди.

Ҳар қандай эгрилик барибир бир кун келиб фош бўлиши тайин эди. Бу гал ҳам шундай бўлди. "ҲОСИЛ КЎМАКЧИ САВДО СЕРВИС" МЧЖда ўтказилган текширишлар давомида С.Жамоловнинг барча қилмишлари ошкор бўлиб, унга нисбатан тергов ҳаракатлари бошланди. Шунда ҳам Садриддин ўз билганидан қолмади. Жиноий ишларини яшириш ва терговни чалғитиш мақсадида жамият фаолияти билан боғлиқ барча ҳужжатлар ва бланкаларни тергов органларига топширмай, йўқ қилиб юборди.

Яқинда жиноят ишлари бўйича Наманган шаҳар суди Садриддин Жамоловнинг мазкур жиноий ишини атрофлича ўрганиб чиқиб, унга нисбатан қонуний жазо тайинлади. Топаётган даромадини оз билиб, ўзини "ўққа-чўққа" уриб юрган бу "тадбиркор" баднафслиги туфайли биратўла барчасидан мосуво бўлди - ҳам пулидан, ҳам обрўсидан...

**Тўлқин ДАДАМИРЗАЕВ,**
**Бош прокуратура ҳузуридаги СВОЖЖДЛҚК Департаменти Наманган вилоят бошқармаси кадрлар бўйича инспектори**



## БОЛАЛАРГА АВТОБУСДА ЭРКИНЛИК БОРМИ?

***Мен ҳар куни ишга автобусда келаман. Шунинг учун хоҳласам ҳам, хоҳламасам ҳам автобусда чипта олиш юзасидан бўлиб турадиган турли тортишувларнинг гувоҳи бўлиб тураман. Автобусларнинг аксариятида етти ёшгача бўлган болалар хусусида кўп тортишув бўлади. Болаларни автобусда бепул олиб юриш борасида қонунда бирон нима тилга олинганми?***

**М.Жўраева,**
**Юнусобод тумани**

"Автомобиль транспорти тўғрисида"ги Қонунда бу борада аниқ равшан айтиб ўтилган. Хусусан, мазкур қонуннинг 19-моддасида мижознинг ҳуқуқлари тилга олинган бўлиб, унда:

— шаҳар ва шаҳар атрофи йўналишларидаги автобусларда етти ёшгача бўлган болаларни ўзи билан бепул олиб юриш;

— шаҳарлараро ва халқаро йўналишлардаги автобусда беш ёшгача бўлган бир болани алоҳида жой берилмаган ҳолда бепул олиб юриш, беш ёшдан ўн ёшгача бўлган бола учун алоҳида жой берилган ҳолда чипта қийматининг 50 фоизини тўлаб сотиб олиш ва ўн ёшгача бўлган икки ёки ундан ортиқ бола олиб юрилганда улардан бири бепул олиб юрилади, қолганлари учун алоҳида жой берилган ҳолда чипта қийматининг 50 фоизини тўлаб чипта сотиб олинади.

## ҚАРЗ ЯХШИ, ҚАЙТАРИШ ЭСА...

***Мен ўтган йили бир танишимга қарз берган эдим. Пул юзасидан ортиқча гап сўз бўлмаслиги учун ёзма равишда қарз шартномаси туздик. Лекин қарзни тўлаш вақти келганида қарздор пулни қайтаришни пайсалга солиб, бермасдан қочиб юрибди. Вақт ўтган сайин бу пулнинг зарурати мен учун ошиб бораяпти. Аммо эшитишимча, танишим пуллардан ўз мақсади йўлида фойдаланиб юрган экан. Мен бундай ҳолда қўшимча фоиз беришни талаб қилсам бўладими?***

**Н.Кудратов,**
**Миробод тумани**

Сиз тилга олган ҳолатни Фуқаролик кодексининг 736-моддасида белгиланган тартиб бўйича ҳал этилади. Унда айтилишича, агар қонун ҳужжатларида ёки қарз шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, қарз олувчи қарз суммасини вақтида қайтармаган ҳолларда қарз берувчи қарз олувчидан қарз суммасига шартномада белгиланган миқдорда ва тартибда назарда тутилган фоизлар тўланган бўлишидан қатъи назар, қарз қайтариб берилиши керак бўлган кундан бошлаб то у қарз берувчига қайтариб берилган кунгача бу сумма юзасидан қўшимча фоизлар тўланиши керак. Яъни, ФК 327-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида назарда тутилган миқдорда, бошқа шахсларнинг пул маблағларини ғайриқонуний ушлаб қолиш, уларни қайтариб беришдан бош тортиш, уларни тўлашни бошқача тарзда кечиктириш ёхуд бошқа шахс ҳисобидан асоссиз олиш ёки жамғариш натижасида улардан фойдаланганлик учун ушбу маблағлар суммасига фоиз тўланиши керак.

Агар қарз шартномасида қарзни бўлиб-бўлиб қайтариш назарда тутилган бўлса, қарз олувчи қарзнинг навбатдаги қисмини қайтариш учун белгиланган муддатни бузган тақдирда, қарз берувчи қарзнинг қолган барча суммасини тегишли фоизлар билан бирга муддатидан олдин қайтаришни талаб қилишга ҳақли.

Агар қарз шартномасида қарз бўйича фоизларни қарзнинг ўзини қайтариш муддатидан олдин тўлаш назарда тутилган бўлса, бу мажбурият бузилган тақдирда, қарз берувчи қарз олувчидан қарз суммасини тегишли фоизлари билан бирга муддатидан олдин қайтаришни талаб қилишга ҳақли.

## ТАЛОНИНГИЗ ЙЎҚОЛСА...

***Яқинда ўртоғим билан бирга Самарқандга бориб келдик. Йўл узоқ бўлгани боис ҳар эҳтимолга қарши мен ҳам ҳайдовчилик гувоҳномамни олган эдим. Лекин қайтиб келганимиздан кейин ҳайдовчилик гувоҳномамнинг талони йўқлигини пайқаб қолдим. Изламаган жойим қолмади. Нима қилса бўлади?***

**З.Худойбердиев,**
**Олмалиқ шаҳри**

Ҳайдовчилик гувоҳномасига берилган талон йўқотилган тақдирда тикланаёттан талон РИБ (ТРИБ)лар томонидан назарий, агар 12 ой давомида ҳайдовчи транспорт воситасини бошқармаган бўлса қўшимча равишда амалий имтиҳон олингандан сўнг берилади.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг 2000 йил 23 апрел куни 87-сон буйруғи билан тасдиқланган "Ҳайдовчилик гувоҳномасига талон бериш ва алмаштириш тартиби тўғрисида"ги Йўриқнома талаби бўйича, ҳайдовчилик гувоҳномасининг йўқотилган талони ўрнига янгиси берилишидан аввал ҳайдовчининг яшаш жойидаги (ҳайдовчи лавозимида ишлаётган шахслар транспорт воситасининг доимий (вақтинчалик) рўйхатга олинган жойлардаги) шаҳар, туман ИИБ автомототранспорт воситаларининг техник ҳолати, улардан фойдаланиш қоида ва меъёрларига амал қилишнинг назорати бўйича бўлинмаларидан ҳайдовчининг бир йил давомида содир этган ҳуқуқбузарликлари ва ушбу бўлинмаларда унинг ҳайдовчилик гувоҳномаси талони сақланмаётганлиги ҳақида маълумот талаб этилади.

Ҳайдовчилик гувоҳномаси талони РИБ(ТРИБ)лар томонидан алмаштириб берилганда эски талонда қайд этилган, бир йиллик муддати ўтмаган барча ҳуқуқбузарликлар ҳақидаги белгилар янги талонга кўчириб ёзилади.



## ХИЗМАТИ УЧУН ОЛАДИ

***Республикамизда ҳар йили мустақиллик байрамига туҳфа сифатида алоҳида ўрнак кўрсатган жуда кўплаб фуқароларга турли хил орден медаллар, фахрий унвонлар берилади. Эшитишимча, қайсидир соҳада хизмат кўрсатган деган унвон берилганларга кейинги иш даврларида мазкур унвони учун ойлик иш ҳақига қўшимча ҳақ тўлаб борилар экан. Шу тўғрими ва бу ҳақ ким томонидан қанча миқдорда тўланади?***

**Л.Эрназаров,**
**Пахтакор тумани**

Тўғри. Фақат фахрий унвонлар учун тўлаб бориладиган тўлов миқдори бир-биридан бироз фарқ қилади.

Масалан, "Халқ" ва "Хизмат кўрсатган арбоб" фахрий унвонлари эгаларига энг кам ойлик иш ҳақининг 3 баравари, "Хизмат кўрсатган артист" фахрий унвони эгаларига энг кам ойлик иш ҳақининг 1,8 баравари, "Хизмат кўрсатган" фахрий унвони эгаларига (қолган касблар бўйича) энг кам ойлик иш ҳақининг 1,6 баравари миқдорида тўлов амалга оширилади.

Фахрий унвонлар учун ҳар ойлик тўловлар:

бюджет ташкилотларида ишлаб келаётган шахсларга — тегишли бюджетлар ҳисобидан;

хўжалик ҳисобидаги хўжалик юритувчи субъектларда ишлаётган шахсларга — хўжалик юритувчи субъектларнинг ўз маблағлари ҳисобидан;

ишламаётган пенсионерларга — Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси маблағлари ҳисобидан яшаш жойидаги ижтимоий таъминот бўлимлари орқали тўланади.

## ОЙЛИГИМ МЕНГА ҲАМ ҚОЛАДИМИ?

***Мен коммунал тўловлар бўйича қарздор бўлиб қолган эдим. Узоқ вақт тўламаганлигим учун мени судга беришибди. Суд ишни кўриб чиқиб, қарздорлигимни ундиришни иш ҳақимга қаратибди. Яқинда суд ижрочиси мени чақиртириб, бу ҳақда огоҳлантириш берди.***

***Агар қарзларим иш ҳақимдан ундириладиган бўлса, иш ҳақимни бутунлай ололмаслигим мумкинми?***

**А.Дадикин,**
**Чилонзор тумани**

Агар қарздорлик юзасидан бир неча ижро ҳужжати бўйича ундирув иш ҳақига қаратилган бўлса, ходимда иш ҳақининг эллик фоизи сақланиши лозим.

Миқдори суд томонидан ўрнатилган ва жамланмаси иш ҳақининг эллик фоизидан ошадиган бир неча ижро ҳужжати ижрога тақдим қилинганда, қарздорга иш ҳақини тўлаётган ташкилот бу ҳақда қарздор ва суд ижрочисини ёзма равишда хабардор қилади. Бунда, қарздорга унга белгиланган ундирув миқдорини камайтириш тўғрисида судга даъво аризаси билан мурожаат қилиш ҳуқуқи ёзма равишда тушунтирилади.

Бундай ҳолларда қарздорга иш ҳақи тўлаётган ташкилот кейинги ижро ҳаракатларини амалга ошириш учун суд ижрочисига иш ҳақи тўланадиган кунлар ҳақида ёзма равишда маълум қилади.

## ХОРИЖДАН КЕЛИН ОЛСА БЎЛАДИМИ?

***Мен ва ўғлим Ўзбекистон Республикаси фуқаросимиз. Ўғлимни қўшни давлат фуқароси ҳисобланган қизга уйлантирмоқчи эдим. Шундай қилишга ҳақлиманми? Уларнинг никоҳланиши қандай бўлади?***

**М.Абдураҳмонов,**
**Ширин шаҳри**

Ўзбекистон Республикаси фуқароси билан чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар ўртасида тузилган никоҳлар Ўзбекистонда ҳақиқий деб эътироф этилади. Бундай никоҳга кириш учун Ўзбекистон ёки хорижий давлатнинг никоҳни қайд этиш (ФХДЁ) органларига умумий асосларда мурожаат этиш мумкин.

Бундай никоҳга кирувчи шахслар бошқа давлат ҳудудида, ўша давлатнинг қонун ҳужжатларига риоя қилган ҳолда тузилганда ҳам ҳақиқий ҳисобланади.

Фақат никоҳ тузишда Оила кодексининг 16-моддасида назарда тутилган никоҳ тузишга монелик қиладиган ҳолатлар бўлмаслиги лозим. Бундай ҳолатларга:

— никоҳланувчиларнинг лоақал биттаси рўйхатга олинган бошқа никоҳда турган бўлиши;

— насл-насаб шажараси бўйича тўғри туташган қариндошлар ўртасида, туғишган ва ўгай ака-укалар билан опа-сингиллар ўртасида, шунингдек фарзандликка олувчилар билан фарзандликка олинганлар ўртасида;

— лоақал биттаси руҳияти бузилиши туфайли суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган шахслар ўртасида йўл қўйилмайди.

## ПУЛИГА СОТИБ ОЛАДИМИ?

***Чет мамлакатларнинг одатлари, қонун-қоидалари тўғрисида телевидение орқали бериб бориладиган кўрсатувларда, газеталарда қамоқхонада ўтириб, жазосини ўтаётган одам ўша ердан туриб ҳам турли нарсаларни шахсий ҳисоб рақамидаги пулга сотиб олиши ёки бўлмаса, бирор бир кимсанинг унга пул бериши мумкинлигини кўрамиз ва ўқиб борамиз. Бизда бу борада қандай?***

**Э.Бобохонов,**
**Бектемир тумани**

Қамоқ жазосига ҳукм қилинган, даволанишга ва кучли овқатга муҳтож маҳкумларга тиббий хулоса асосида уларнинг шахсий ҳисобварағидаги маблағлардан озиқ-овқат маҳсулотлари сотиб олишга рухсат этилади.

Жумладан, Жиноят-ижроия кодексининг 36-моддасида белгиланган тартиб бўйича, маҳкумлар энг зарур нарсаларни пул ўтказиш йўли билан белгиланган энг кам иш ҳақи миқдорининг ўттиз фоизидан ошмайдиган суммага сотиб олишлари мумкин.

Шу билан бирга, маҳкумларга пул жўнатмалари олиш ва юборишга, шунингдек посилкалар ва бандероллар жўнатишга рухсат этилади. Жўнатма тарзида келиб тушган пул маблағлари маҳкумнинг шахсий ҳисобварағига ўтказиб қўйилади.

## ДЎСТИМНИНГ МУАММОСИ МЕНИНГ МУАММОМ

***Мен билан бирга ўқийдиган дўстимнинг ўзи яшайдиган қишлоғида ота-онаси, ака-укалари фермер хўжаликларида пахта, ғалла етиштириш билан шуғулланишади. Унинг айтишича, ўтган йили пахта ҳосилини етиштириш бўйича олинган мажбуриятни ноқулай об-ҳаво шароити туфайли бажара олишмабди. Шунда уларни вилоят адлия бошқармасидан чақиртиришиб, контрактация шартномаси юзасидан савол-сўроқ қилишиб, маъмурий иш қўзғатилишини айтишибди. Адлия органларининг бундай ваколатлари борми? Улар шундай қилишга ҳақлими?***

**Р.Ваҳидов,**
**Қибрай тумани**

Адлия органларининг мансабдор шахслари Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 2452-моддасида белгиланган тартибда пахта хариди бўйича контрактация шартномалари бажарилмаганлиги ёки лозим даражада бажарилмаганлиги оқибатида хўжалик юритувчи субъектга мулкий зарар етказилганлиги факти аниқланган тақдирда маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома тузадилар.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённома кўриб чиқиш учун белгиланган тартибда хўжалик судига юборилади.

**Саволларга ҳуқуқшунос Юнусобод туман прокуратураси терговчиси Бобоқул САИДОВ жавоб берди**

### ҲУРМАТЛИ МУШТАРИЙЛАР!

***Ўзингизни қизиқтирган ҳуқуққа оид саволларингиз бўлса бизга мурожаат қилинг. Уларга тажрибали ҳуқуқшунослар жавоб беради. Саволларингизни «Ҳиқиқ» газетасининг «info@huquq-gazeta.uz» электрон почтаси орқали юборишингиз ёки (8-371) 233-26-62 телефони орқали мурожаат қилишингиз мумкин.***

## 2010 йил — Баркамол авлод йили

***Мамлакатимиз Истиқлолга эришгач, жамиятнинг барча бўғинларида туб ўзгаришлар юз берди. Шунингдек, оламшумул тадбирлар амалга оширилиб, аҳолининг тинч-тотув яшаши, ҳаёт даражасининг яхшиланишига эришилди. Мустақилликнинг ўтган даври мобайнида республикамизда болаликни муҳофаза қилиш тўғрисида қатор қонунлар қабул қилинди, унинг манфаатларини муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий асосларини яратиш, болаларнинг моддий аҳволини яхшилаш, улар назоратсизлигини олдини олишнинг иқтисодий шарт-шароитларини яратиш, бепул умумий таълим олишларини таъминлаш юзасидан чора-тадбирлар амалга оширилди.***

# ЮРТ ТАЯНЧИ, ЭЛ ҒУРУРИ

Ўзбекистон Республикаси 1991 йилда "Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси"га, 1992 йилдан эса "Бола ҳуқуқлари конвецияси"га қўшилди. 2008 йил 7 январда Ўзбекистон Республикасининг "Бола ҳуқуқларининг кафолатлари" тўғрисидаги қонуни қабул қилиниб, бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича давлат сиёсати бола ҳуқуқларининг асосий кафолатлари қилиб белгиланди.

Республикамизда мактабгача таълим, умумий ўрта таълим, махсус касб-ҳунар таълими, олий ўқув юртидан кейинги таълим, кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш, мактабдан ташқари таълимнинг амалга оширилиши, вояга етмаган болаларнинг ота-оналари ёки қонуний вакиллари боланинг қонуний ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилишлари шартлиги, уларнинг тарбияси, мактабгача, умумий ўрта, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими олишлари учун жавобгар эканликлари белгиланди.

Болаликни ҳуқуқий, иқтисодий, ижтимоий ҳимоя қилиш, болаларнинг фаровонлигини таъминлаш учун шарт-шароитлар яратиш, боланинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш, уларнинг ҳаёти ва соғлиғини муҳофаза қилиш, боланинг камситилишига йўл қўймаслик, шаъни ва қадр-қимматини ҳимоя қилиш давлат сиёсатининг асосий йўналиши ҳисобланади.

2008 йил 4 апрелда "Ишга қабул қилиш учун энг кичик ёш", 2008 йил 8 апрелда эса "Болалар меҳнатининг оғир шаклларини тақиқлаш ва йўқ қилишга доир шошилинч чоралар тўғрисида"ги конвенциялар ратификация қилинди.

2009 йил 21 декабрдан "Вояга етмаган шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонуни қабул қилиниб, унинг 49 ва 51-моддалари иккинчи қисм билан тўлдирилди.

Шу кодекснинг 49-моддаси 2-қисмига мувофиқ мансабдор шахс ўсмирга нисбатан меҳнат ва меҳнатни ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун маъмурий жавобгарлик белгиланган бўлса, вояга етмаган шахсга нисбатан қонунда назарда тутилган ҳолларни истисно этганда, меҳнатга бирон-бир шаклда маъмурий тарзда мажбурлаганлик учун энг кам ойлик иш ҳақини ўн баробаригача миқдорида маъмурий жазо белгиланди.



Шунингдек, "Маъмурий жавобгарлик тўғрисида"ги кодекснинг 49-моддаси прим 1-модда билан тўлдирилиб, вояга етмаган шахсларнинг меҳнатидан унинг соғлиғи, хавфсизлиги ёки ахлоқ-одобига зиён етказиши мумкин бўлган ишларда фойдаланганлик учун фуқароларга энг кам ойлик иш ҳақининг уч баробаригача миқдорида жарима жазоси тайинланиши белгиланди.

Республикамиз Президенти Ислом Каримов "Адолатли жамият сари" номли асарида "...эртанги кунимизни ҳал қилувчи асосий масала - ёш авлодни ўқитиш, камол топтириш, уларни билимдон, юқори малакали мутахассислар, Ватанимизнинг муносиб фуқаролари қилиб вояга етказиш нақадар долзарб вазифа эканлиги ҳақида ортиқча гапиришга ҳожат йўқ, деб ўйлайман", деб таъкидлаган. "Юксак маънавият енгилмас куч" номли асарида эса Юртбошимиз таълим-тарбия масаласининг кенг жамоатчилик, бутун халқимизнинг иштироки ва қўллаб-қувватлашини талаб қиладиган умуммиллий масала эканлигини, келажагимиз пойдеворининг билим даргоҳларида яратилишини, таълимни тарбиядан, тарбияни эса таълимдан ажратиб бўлмаслигини қайд этиб, мактаб деган улуғ даргоҳнинг инсон ва жамият тараққиётидаги ҳиссаси ва таъсирини, нафақат ёшларимиз, балки бутун халқимиз келажагини ҳал қиладиган ўқитувчи ва мураббийлар меҳнатини ҳеч нарса билан қиёслаб бўлмаслигини таъкидлади.

Шунингдек, у "...агарки, дунё иморатлари ичида энг улуғи мактаб бўлса, касбларнинг ичида энг шарафлиси ўқитувчилик ва мураббийликдир, ўқитувчи наинки синф хонасига файз ва зиё олиб кирадиган, балки минг-минглаб мурғак қалбларга эзгулик ёғдусини бахш этадиган, ўз ўқувчиларига ҳаёт мактабини берадиган мўътабар зотдир. Она тилимизда "мактаб кўрган", "мактаб яратган" деган чуқур маъноли ибораларнинг мавжудлиги ҳам бу муқаддас даргоҳнинг, заҳматкаш ўқитувчи меҳнатининг давлат ва жамият ҳаётида қанчалик муҳим ўрин тутишидан далолат беради", деб таъкидлаган.

Президентимиз Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 17 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги "Ўзбекистон Конституцияси биз учун демократик тараққиёт йўлида ва фуқаролик жамиятини барпо этишда мустаҳкам пойдевордир", номли маърузасида "Бугунги кунда ҳаётимизда том маънода тарихий аҳамиятга эга бўлган, дунё жамоатчилиги ҳақли равишда эътироф этаётган таълим-тарбия соҳасидаги кенг кўламли ислоҳотларимиз қандай натижалар бераётгани ҳақида ҳар қанча фахрланиб, ғурурланиб гапирсак арзийди. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва 2004-2009 йилларга мўлжалланган Мактаб таълимини ривожлантириш умуммиллий Давлат дастури ижтимоий ҳаётимизда туб бурилиш ясади", дея таъкидлаб ўтди.



Юртбошимиз ўзининг ушбу маърузасида, барча эзгу ниятларимизнинг марказида фарзандларимизни ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан соғлом қилиб ўстириш, уларнинг бахту саодати, фаровон келажагини кўриш, дунёда ҳеч кимдан кам бўлмайдиган авлодни тарбиялаш орзуси турганлигини баён этиб, "Айнан мана шундай ҳар томонлама етук авлодгина бугун ҳаёт олдимизга қўяётган ўта мураккаб, оғир синов ва қийинчиликларни енгиш, биз кўзлаган юксак марраларни эгаллашнинг энг асосий шарти эканини ҳаммамиз яхши тушунамиз", дея қайд этдилар.

Шу сабабли ҳам "Баркамол авлод йили"да давлат бюджетининг 50 фоиздан кўпроғи мамлакатимизда таълим-тарбия ва соғлиқни сақлаш соҳаларининг ривожлантирилишига йўналтирилиши белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 9 декабрдаги "Баркамол авлод йили" Давлат дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармойишида болалар ҳамда ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини, уларнинг соғлиғини муҳофаза қилиш, ўсиб келаётган авлодни ўқитиш ва тарбиялашда янги ахборот ва педагогик технологияларни кенг жорий этиш, ўқитувчиларга эътиборни янада кучайтириш, болалар спортини янада ривожлантириш, спорт мажмуаларини замонавий спорт анжомлари билан жиҳозлаш, касб-ҳунар коллежларини битирган ёшларни кичик бизнес ва тадбиркорлик соҳасига кенг жалб этиш, соғлом авлодни тарбиялашда оилага эътибор қаратиш, янги қурилаётган ёш оилалар масаласини давлатимиз ва жамиятимиз, маҳалламизнинг олдида турадиган устувор вазифа деб билиш, ёшларни гиёҳвандлик, ахлоқсизлик, четдан кириб келаётган ҳар хил зарарли таъсирлардан ҳимоя қилиш комплекс чора-тадбирларини амалга ошириш масалаларига кенг эътибор берилган.

Қарши шаҳар прокуратураси томонидан вояга етмаганларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, улар томонидан содир этилиши мумкин бўлган жиноят ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга қаратилган қонунлар ижроси юзасидан 2009 йилда 44 та текшириш ўтказилиб, 50 та протест киритилди. Қонунга асосланмаган буйруқлар қонунга мувофиқлаштирилди, текширишда аниқланган қонунбузилишларни бартараф этиш бўйича чора-тадбирлар белгилаш ҳақида 65 та тақдимнома киритилиб, 58 нафар шахсга интизомий, 83 нафар шахсга нисбатан эса маъмурий жазо қўлланилди, 17 та жиноят иши қўзғатилди.

Олиб борилган талбирлар натижасида 2009 йилда 2008 йилга нисбатан, вояга етмаганлар ўртасидаги жиноятчилик 7,14 фоизга, шу жумладан, гуруҳлар таркибидаги жиноятчилик 54,5 фоизга, оғир турдаги жиноятлар 60 фоизга камайди. Лекин вояга етмаганлар орасида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, вояга етмаганларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш соҳасида Қарши шаҳар ҳокимлиги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссияси, Қарши шаҳар ИИБ вояга етмаганлар орасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш гуруҳи, ўрта махсус ва халқ таълими, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, бошқа давлат органлари ва жамоат ташкилотларининг фаолиятида камчиликлар мавжуд бўлиб, ушбу масала ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг мувофиқлаштирувчи Кенгашида муҳокама қилинди. Камчиликларни бартараф этиш бўйича 2010 йил, яъни "Баркамол авлод йили"да қилинадиган ишлар режалаштирилиб, тегишли чора-тадбирлар белгиланди.

Ёшлар юртимизнинг келажаги бўлиб, уларнинг ўсиб-улғайиши, мамлакатимизнинг тараққиёти ва фаровонлиги йўлида ҳамжиҳатлик билан интилишлари демократик-ҳуқуқий давлатнинг пойдевори мустаҳкам бўлишига хизмат қилади.

**Шомурод ҚЎШОҚОВ,**
**Қарши шаҳар прокурорининг катта ёрдамчиси**
**Норбўта ҒОЗИЕВ,**
**журналист**

# ВОЯГА ЕТМАГАНЛАР ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШНИНГ МУҲИМ КАФОЛАТИ

Мамлакатимизда ҳуқуқий давлатни барпо этиш ва фуқаролик жамиятини шакллантиришда меҳнат муносабатларининг ҳуқуқий тартибга солиниши самарадорлигини ошириш объектив заруриятга айланди. Айниқса, меҳнат муносабатларида инсон манфаатлари ҳимоя қилинишининг ҳуқуқий асослари такомиллашиб бормоқда. Бу борада ходимларнинг меҳнат муҳофазасини таъминлаш ва техника хавфсизлиги талабларига риоя қилган ҳолда фаолиятларини амалга оширишларининг муҳим кафолати сифатида Ўзбекистон Республикаси Конституциясини алоҳида қайд этиш лозим.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигиининг 17 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида юртимизда ҳуқуқий демократик давлат, фуқаролик жамияти, эркин бозор муносабатларига асосланган иқтисодиётни қуриш, халқимиз учун обод ва фаровон ҳаёт барпо этиш, халқаро майдонда ўзимизга муносиб ўрин эгаллашда Асосий қонунимиз мустаҳкам замин бўлиб келаётганлигини алоҳида таъкидлади. Бинобарин, Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ҳар бир шахснинг меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шароитларида ишлаш ва қонунда кўрсатилган тартибда ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқига эга эканлиги мустаҳкамлаб қўйилган. Халқаро меҳнат ташкилотининг инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномалари ва бошқа ҳужжатларда кўзда тутилган ҳар бир фуқаронинг меҳнат ҳуқуқлари ҳимоясининг Конституция даражасида мустаҳкамлаб қўйилиши, Конституциямизнинг муқаддимасида таъкидланганидек, халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган қоидаларининг устунлиги тан олинганлигидан далолат беради. Айниқса, Конституциянинг 37-моддасида ходимларнинг адолатли меҳнат шароитларида ишлаш ҳуқуқининг мустаҳкамлаб қўйилиши уларнинг ҳаёти ва соғлиғини ҳимоя қилишга оид қонунчилик механизмининг янада ривожланиши ҳамда такомиллашувида муҳим омил бўлиб хизмат қилди. Дарҳақиқат, мустақиллик йилларида ходимларнинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ қатор қонун ҳужжатлари қабул қилинди ва амалда татбиқ этиб келинмоқда. Хусусан, 1993 йилнинг 6 майида ишлаб чиқариш усуллари, мулк шаклидан қатъи назар меҳнатни муҳофаза қилишни ташкил этишнинг ягона тартибини белгиловчи ҳамда фуқароларнинг соғлиғи ва меҳнатини муҳофаза қилинишини таъминлашга қаратилган муҳим ҳуқуқий ҳужжат — Ўзбекистон Республикасининг "Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида"ги Қонуни қабул қилинди.

Мазкур Қонунда меҳнатнинг муҳофаза қилинишини таъминлаш, ишловчиларнинг меҳнатни муҳофаза қилишга доир ҳуқуқларини рўёбга чиқаришдаги кафолатлар, меҳнатни муҳофаза қилишга доир қонунлар ва бошқа меъёрий ҳужжатларга риоя этилиши устидан давлат ва жамоатчилик назорати ҳамда ушбу ҳужжатларни бузганлик учун жавобгарлик масалалари ўз ифодасини топди. Шунингдек, ишлаб чиқаришда меҳнатнинг муҳофаза қилинишини таъминлаш учун "Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни талабларига ҳамда бозор қайта ўзгартиришлари шарт-шароитларига жавоб берадиган меъёрий базани яратиш, шу асосда мулкчиликнинг барча шакллари ва ишлаб чиқариш усулларидаги корхоналарда ишловчи ходимларни ижтимоий муҳофаза қилишни кучайтириш мақсадида 2000 йил 12 июлда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Меҳнатни муҳофаза қилишга доир меъёрий ҳужжатларни қайта кўриб чиқиш ва ишлаб чиқиш тўғрисида"ги 267-сонли қарори қабул қилинди.

Ундан ташқари, мамлакатимизда вояга етмаганларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларнинг устуворлигини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 4 апрелдаги ЎРҚ-140-сонли Қонуни билан "Ишга қабул қилиш учун энг кичик ёш тўғрисида"ги конвенция (Женева, 1973 йил 26 июнь) ҳамда Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 8 апрелдаги ЎРҚ-144-сонли Қонуни билан "Болалар меҳнатининг оғир шаклларини тақиқлаш ва йўқ қилишга доир шошилинч чоралар тўғрисида"ги конвенция (Женева, 1999 йил 17 июнь) ратификация қилинди. Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикасининг меҳнат қонунчилигида меҳнат соҳасида вояга етмаганларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, бу борада уларга алоҳида ғамхўрлик кўрсатилишини назарда тутувчи бир қатор нормалар мустаҳкамлаб қўйилган. Хусусан, Меҳнат кодексининг 6-моддасига кўра, меҳнат соҳасида меҳнатнинг муайян турига хос бўлган талаблар ёки давлатнинг юқорироқ ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган шахслар (аёллар, вояга етмаганлар, ногиронлар ва бошқалар) тўғрисидаги алоҳида ғамхўрлиги билан боғлиқ фарқлашлар камситиш деб ҳисобланмаслиги алоҳида белгилаб қўйилган. Мамлакатимиз меҳнат қонунчилигида мустаҳкамлаб қўйилган вояга етмаганларнинг муҳим меҳнат ҳуқуқларидан яна бири — уларга нисбатан иш вақтининг қисқартирилган муддати белгиланганлигидир. Хусусан, Меҳнат кодексининг 242-моддасига мувофиқ, иш вақтининг муддати ўн олтидан ўн саккиз ёшгача бўлган ходимларга ҳафтасига ўттиз олти соатдан, ўн бешдан ўн олти ёшгача бўлган шахслар (таътил даврида ишлаётган ўн тўртдан ўн олти ёшгача бўлган ўқувчилар) учун эса ҳафтасига йигирма тўрт соатдан ошмайдиган қилиб белгиланади. Ўқишдан бўш вақтларида ишлаётган ўқувчиларнинг ўқув йили давомидаги иш вақти муддати юқорида кўрсатилган тегишли ёшдаги шахслар учун назарда тутилган иш вақти энг кўп муддатининг ярмидан ортиб кетиши мумкин эмас. Ундан ташқари, ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларни тунги ишларга, иш вақтидан ташқари ишларга ва дам олиш кунларидаги ишларга жалб этиш тақиқланади (Меҳнат кодексининг 245-моддаси). Бу эса ўз навбатида, Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 4 апрелдаги ЎРҚ-140-сонли Қонуни билан ратификация қилинган "Ишга қабул қилиш учун энг кичик ёш тўғрисида"ги конвенциянинг 3-моддаси талабларига мувофиқ келади. Унга кўра, ўз хусусияти ёки амалга ошириладиган шароитига кўра ўсмир соғлиғи, хавфсизлиги ёки маънавиятига зиён етказиши мумкин бўлган ҳар қандай иш турига ёки ёлланма иш турига қабул қилиш учун энг кичик ёш ўн саккиз ёшдан кам бўлмаслиги кераклиги назарда тутилган.

Меҳнат кодексининг 247-моддасига кўра, ота-оналар ва васийлар (ҳомийлар), шунингдек меҳнатни муҳофаза қилиш устидан назорат қилувчи органлар ҳамда вояга етмаганлар ишлари билан шуғулланувчи комиссиялар, агар ўн саккиз ёшга тўлмаган шахслар бажараётган ишни давом эттириш улар соғлиғига зиён қиладиган ёки уларга бошқача тарзда зарар етказадиган бўлса, бундай шахслар билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилишни талаб этишга ҳақли эканликлари белгилаб қўйилган. Юқорида зикр қилинган Конвенциянинг 7-моддасида миллий қонун ҳужжатларида агар ўн уч ёшдан ўн беш ёшгача бўлган шахсларга уларнинг соғлиғи ва ривожланиши учун зарарли бўлмаса, уларнинг мактабга қатнашига, уларнинг ваколатли ҳокимият органлари томонидан тасдиқланган касбга йўналтириш ёки касбий тайёргарлик дастурларида иштирок этишларига, ёки уларнинг олган ўқувларидан фойдаланиш лаёқатига зарар етказмайдиган бўлса, енгил ишларда ишлашга ёки ёлланиб ишлашга рухсат этиши мумкинлиги белгилаб қўйилган.

Таъкидлаш ўринлики, мамлакатимиз Асосий Қонунининг муқаддимасида белгиланганидек, Ўзбекистон халқи халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган қоидалари устунлигини тан олган ҳолда ушбу қоидаларга оғишмай риоя қилиб келмоқда. Шу мақсадда бола ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилганислоҳотлар давом эттирилиб, вояга етмаган шахсларга нисбатан меҳнат ва меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг бузилиши ҳамда вояга етмаган шахсни меҳнатга бирон бир шаклда маъмурий тарзда мажбурлаганлик учун жавобгарликни назарда тутувчи "Вояга етмаган шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига қўшимчалар киритиш ҳақида"ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни қабул қилинди. Мазкур Қонун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси томонидан 2009 йил 3 ноябрда қабул қилинди, Сенат томонидан 2009 йил 4 декабрда маъқулланди ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2009 йил 21 декабрда имзоланди. Қонун 2010 йил 1 февралдан эътиборан кучга киради.

"Вояга етмаган шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига қўшимчалар киритиш ҳақида"ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 4 апрелдаги ЎРҚ-140-сонли Қонуни билан ратификация қилинган "Ишга қабул қилиш учун энг кичик ёш тўғрисида"ги конвенциянинг (Женева, 1973 йил 26 июнь) ҳамда Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 8 апрелдаги ЎРҚ-144-сонли Қонуни билан ратификация қилинган "Болалар меҳнатининг оғир шаклларини тақиқлаш ва йўқ қилишга доир шошилинч чоралар тўғрисида"ги конвенциянинг (Женева, 1999 йил 17 июнь) ижросини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилган.

Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 4 апрелдаги ЎРҚ-140-сонли Қонуни билан ратификация қилинган "Ишга қабул қилиш учун энг кичик ёш тўғрисида"ги конвенциянинг 1-моддасида ташкилотнинг ҳар бир аъзоси, ушбу Конвенция унга нисбатан кучга кирган бўлса, болалар меҳнатини батамом бекор қилишни таъминлашга йўналтирилган ва ишлашга ёки ёлланишга рухсат этилган энг кичик ёшни ўсмирларнинг тўла жисмоний ва ақлий ривожланиш даражасига мос келадиган ёшгача босқичма-босқич оширишга йўналтирилган миллий сиёсатни амалга ошириш мажбуриятини ўз зиммасига олиши ҳақидаги қоида мустаҳкамлаб қўйилган. Таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда истиқлол йилларида олиб борилаётган ижтимоий ислоҳотлар замирида ёш авлодни жисмонан ва руҳан соғлом қилиб тарбиялаш муҳим ўрин эгаллайди.

"Вояга етмаган шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига қўшимчалар киритиш ҳақида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 3 та моддадан иборат бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 49, 51, 245-моддаларига қўшимчалар киритиш ҳамда уни 491-модда билан тўлдиришни назарда тутади.

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг "Меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш" деб номланган 49-моддасига мансабдор шахс томонидан меҳнат ва меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг бузилиши вояга етмаган шахсга нисбатан содир этилган тақдирда энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлиши белгиланди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг "Меҳнатга маъмурий тарзда мажбурлов" деб номланган 51-моддасига ҳам қонунда назарда тутилган ҳолларни истисно этганда, меҳнатга бирон бир шаклда маъмурий тарзда мажбурлов вояга етмаган шахсга нисбатан содир этилган бўлса, у ҳолда энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлиши назарда тутилди.

"Вояга етмаган шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига қўшимчалар киритиш ҳақида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг муҳим жиҳатларидан яна бири Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси "Вояга етмаган шахсларнинг меҳнатидан фойдаланишга йўл қўймаслик тўғрисидаги талабларни бузиш" деб номланган янги 491-модда билан тўлдирилди. Унга кўра, вояга етмаган шахс меҳнатидан унинг соғлиғи, хавфсизлиги ёки ахлоқ-одобига зиён етказиши мумкин бўлган ишларда фойдаланиш фуқароларга энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлиши белгиланди.

Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 4 апрелдаги ЎРҚ-140-сонли Қонуни билан ратификация қилинган "Ишга қабул қилиш учун энг кичик ёш тўғрисида"ги конвенциянинг 9-моддасига кўра, ваколатли ҳокимият органи томонидан мазкур Конвенция қоидаларини ҳаётга самарали татбиқ этишни таъминлаш учун зарур чора-тадбирлар кўриши, шу жумладан тегишли жазоларни белгилаш чоралари кўрилиши назарда тутилган.

Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 8 апрелдаги ЎРҚ-144-сонли Қонуни билан ратификация қилинган "Болалар меҳнатининг оғир шаклларини тақиқлаш ва йўқ қилишга доир шошилинч чоралар тўғрисида"ги конвенциянинг 5-моддасида ташкилотнинг ҳар бир аъзоси, меҳнаткашлар ва иш берувчиларнинг тегишли ташкилотлари билан маслаҳатлашгандан сўнг, мазкур Конвенцияни ҳаётга татбиқ этадиган қоидалар қўлланилишининг назоратини амалга ошириш учун тегишли механизмлар яратиши ёки бундай механизмларни белгилаши ҳақида қоида назарда тутилган.

Юқорида баён этилганларни инобатга олган ҳолда "Вояга етмаган шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига қўшимчалар киритиш ҳақида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 2-моддасида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси вояга етмаган шахсларнинг меҳнатидан фойдаланишга йўл қўймаслик тўғрисидаги талабларни белгиланган тартибда ишлаб чиқилишини ва тасдиқланишини таъминлаши ҳақидаги қоида мустаҳкамлаб қўйилди.

Хулоса ўрнида шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон халқи халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган қоидалари устунлигини тан олган ҳолда ушбу қоидаларга оғишмай риоя қилиб келмоқда. Қолаверса, миллий қонунчилигимизда бола ҳуқуқлари ва манфаатлари, шунингдек уларнинг ҳимоясига алоҳида ўрин берилган. Ундан ташқари, ёшларни ҳар томонлама етук қилиб тарбиялаш ишларига Хотин-қизлар қўмитаси, Маънавият тарғибот маркази, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, "Соғлом авлод учун" ҳамда "Болалар спортини ривожлантириш" жамғармалари сафарбар қилинганлиги ҳам ёшларга алоҳида ғамхўрлик кўрсатиб келинаётганлигини тасдиқлайди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов томонидан фарзандларимизни ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан соғлом қилиб ўстириш, уларнинг бахту саодати, фаровон келажагини кўриш, дунёда ҳеч кимдан кам бўлмайдиган авлодни тарбиялаш ишларига алоҳида диққат-эътибор қаратилаётганлигини 2010 йилга юртимизда "Баркамол авлод йили" деб ном берганида ҳам кўриш мумкин бўлади. Зеро, Ўзбекистон Республикаси Президенти таъбири билан айтганда "ҳар томонлама етук авлодгина бугун ҳаёт олдимизга қўяётган ўта мураккаб, оғир синов ва қийинчиликларни енгиш, биз кўзлаган юксак марраларни эгаллашнинг энг асосий шарти" ҳисобланади.

**Музаффаржон МАМАСИДДИҚОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти гуруҳ раҳбари, юридик фанлари доктори**

# МАНСАБИГА НОЛОЙИҚ



Ҳар бир киши ўз турмуш тарзини ўзи белгилаб, ҳаёт йўлини ўзи танлайди. Тўғри, кимдир гоҳида адашиб боши берк кўчага кириб қолса, ён-атрофдагилар унга тўғри маслаҳат бериб, ўнгланиб олишни тавсия этиши лозим. Аммо баъзан осон фойда кетидан қувиб, охирини ўйламайдиганларни кўрган айримлар эса уни бу йўлдан қайтариш ўрнига, унга шерик бўлишади. Республика прокуратура органларининг асосий вазифаси мамлакатда қонун устуворлигини таъминлаш устидан назорат қилишдек масъул вазифа юклатилган экан, прокуратура органлари томонидан ўтказиб борилаётган назорат тадбирлари давомида тилга олинган кимсаларга дуч келинмоқда. Масалан, Сурхондарё вилоят прокуратураси томонидан Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 25 март кунги 140-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида Термиз шаҳар суд ижрочилари бўлимида текширув ўтказилганда, "ўзим хон, кўланкам майдон" деб ўйловчи мансабдорлар ҳам борлиги аниқланди. Текширув давомида мазкур даргоҳда бўлимнинг катта суд ижрочиси вазифасида ишлаб келган Ҳамра Какуловнинг кирдикорлари ошкор бўлди. У Термиз шаҳар ДСИ жисмоний шахсларга солиқ солиш ва назорат қилиш бўлими бошлиғи Ш.Усмонов, вилоят Молия бошқармаси бўлим бошлиғи Ш.Хамраева ва "Фарҳод маркет" хусусий корхонаси раҳбари А.Тошқуловлар билан ўзаро жиноий тил бириктиради.

Бу шахслар иш юритувида бўлган жиноят ишларини сохта ҳужжатлар асносида тугатиш ва унга қонуний тус беришни кўзлашади. Бунда Ҳ.Какуловга "Фарҳод маркет" хусусий корхонаси раҳбари А.Тошқуловнинг хизматлари катта бўлган. Чунки, Ҳамра Какулов ўз иш юритувидаги ижро иши бўйича келиб тушган товар моддий бойликларни сотиб бериш мақсадида А.Тошқуловга қарашли дўконга топшириб келган. Ўз навбатида, А.Тошқулов сотилган буюмлардан тушган пул маблағларини Термиз шаҳар суд ижрочилари ҳисоб рақамига ўтказиши керак бўлади. Аммо, уддабурон ижрочи сотилган буюмларнинг пулларини суд ижрочилари бўлими ҳисоб рақамига туширмасдан, "чўнтакка уриш" усулини қўллайди. Бунинг учун эса зарур бўладиган барча зарур ҳужжатларни қалбакилаштириб, қоғозда "тушди" қилиб, суд ижрочилари ҳисоб рақамидан тегишли маблағлар Термиз шаҳар молия бўлими, вилоят божхона бошқармаси ҳамда судлар ва адлия органларини ривожлантириш жамғармаси ҳисоб рақамларига ўтказилаверган.

Мисол учун, Ҳамра Какулов Сариосиё туман судининг 2007 йил 2 июль кунидаги қарорига кўра ҳуқуқбузар Маматқулова Хусниядан далилий ашё сифатида олиб қўйилган бир дона тилло билакузук, икки жуфт тилло сирғаларни (жами 796 минг 700 сўмлик) давлат эгалигига ўтказиш ҳақидаги ижро ҳужжатига асосан ижро иши қўзғатишга доир қарор қабул қилади. Шундан сўнг бу товар-моддий бойликларни А.Ташкуловнинг "Фарҳод маркет" дўконига сотиш мақсадида ўтказади. А.Ташкулов эса уларнинг сотилганлиги ва пул маблағлари Термиз шаҳар суд ижрочилари бўлими ҳисоб рақамига ўтказилганлиги тўғрисида сохта банк ҳужжатларини Ҳамра Какуловга тақдим этади. Гарчи, катта ижрочи банк ҳужжатлари сохталигини билсада, жиноий келишув асносида уларни қабул қилиб олаверади. Аслида эса мазкур маблағлар фақат сохта қоғоздагина мавжуд бўлади, холос. Сохта банк топшириқномаларини олган Ҳамра Какулов, шу куни Термиз шаҳар молия бўлими, вилоят божхона бошқармаси ҳамда судлар ва адлия органларини ривожлантириш жамғармаси ҳисоб рақамларига ижро иши маблағлари дея, суд ижрочилари ҳисоб рақамини "туя" қилади. Шу йўл билан ижро ишини иш юритувдан тамомлаш ҳақида қарор қабул қилиб, ўзганинг мулкини талон-торож қилиб юраверади.

Ҳамра Какуловнинг бу иши шу билан якунланмайди. У жиноят ишлари бўйича Сариосиё туман судининг 2007 йил 18 август кунидаги қарорига кўра ҳуқуқбузар Жумаева Марҳаматдан далилий ашё сифатида олиб қўйилган бир дона билакузук, икки дона занжир, бир дона узук ва бир жуфт сирғадан иборат бўлган, жами 1 млн. 43 минг 985 сўмлик тилло буюмларни давлат эгалигига ўтказиш ҳақидаги ижро ҳужжатига асосан ижро иши қўзғатиш ҳақида қарор қабул қилиб, юқоридаги тартибда А.Тошқуловнинг "Фарҳод маркет" дўкони орқали соттиради. Бунда ҳам банкнинг муҳри ва масъул ходим имзоси қўйилмаган, сохталаштирилган 29-30-сонли тўлов топшириқномалари Ҳ.Какулов томонидан қалбакилаштирилади.

Ҳ.Какулов ижро ишини тугатиш ҳақида қарор қабул қилган бўлса-да, М.Жумаеванинг иши бўйича тилло буюмларнинг сотилган ёки сотилмаганлигини аниқлаб ўтирмайди. Орадан 7 кун ўтиб, 20 фоизга арзонлаштирган баҳода, яъни 835 минг 189 сўмга қайта баҳолаш ҳақида сохта ҳужжатларни расмийлаштириш орқали талон-торож қилиб, давлат бюджетига жами 1 млн. 840 минг 685 сўмлик моддий зарар етказади.

Республика Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 25 март кунги 140-сонли қарори билан тасдиқланган "Давлат даромадига ўтказиладиган мол-мулкни олиб қўйиш, сотиш ёки йўқ қилиш тартиби тўғрисида"ги Низомнинг 23-бандида "Қимматбаҳо металлар - олтин, кумуш, платина ва ҳар қандай турдаги ва ҳолатдаги платина гуруҳига кирувчи металлар (палладий), иридий, родий, рутений ва осмий), ишлов берилмаган ва қайта ишланган табиий қимматбаҳо тошлар (олмос, бриллиант, феруза, лаъл, ёқут, шунингдек табиий марварид) ва ярим қимматбаҳо тошлар, шунингдек таркибида қимматбаҳо ва ярим қимматбаҳо тошлар ва табиий марварид бўлган буюмлар (баҳолаш далолатномаси бўйича музейлар, кутубхоналар, архивлар, илмий муассасаларга текин бериладиган тарихий, илмий, бадиий қимматга эга бўлганларидан ташқари) белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳузуридаги Қимматбаҳо металлар агентлигига берилиши керак" деб, аниқ кўрсатиб ўтилган. Аммо Ҳ.Какулов мазкур қонун ости ҳужжати талабларини назарписанд қилмасдан, ўз билганича иш тутган.

Ҳ.Какулов қимматбаҳо металлар фақатгина Марказий банк ҳузуридаги Қимматбаҳо металлар агентлигига қарашли Давлат асллик даражасини белгилаш палатаси томонидан нархланиши лозимлиги ҳақидаги қонун талабларини ҳам менсимайди. Мазкур палата томонидан нархланиб, баҳоси чиқарилган ижро ишлари бўйича тилла буюмларни, жумладан, М.Мухторованинг ижро иши бўйича Давлат асллик даражасини белгилаш палатаси томонидан 3 млн.172 минг 452 сўмга нархланган тилла буюмларни махсус баҳолаш бўйича мутахассис иштироксиз 2007 йил 29 июнда 2 млн. 537 минг 963 сўмга, 11.10.2007 йилда 2 млн. 30 минг 372 сўмга қайта баҳолайди. Ҳ.Какулов шу тариқа 1 млн. 142 минг 80 сўм миқдорида давлат бюджетига моддий зарар етказади. У бир неча ҳолатда мана шундай ноқонуний иш тутади.

Бундан ташқари, Ҳ.Какулов мансабдор шахс бўла туриб, ўз вазифасига совуққонлик билан муносабатда бўлган. У ўзига чиқарилган ижро ишлари муддатларини чўзиб, лозим даражада бажармаслиги оқибатида давлатга ўтказилиши керак бўлган жами 3 млн. 162 минг 456 сўм миқдорида пеняларни ундирмаганлиги ҳам маълум бўлди.

Вилоят прокуратураси томонидан Термиз шаҳар катта суд ижрочиси Ҳ.Какулов, "Фарҳод маркет" хусусий корхонаси раҳбари А.Тошқулов, Термиз шаҳар ДСИ жисмоний шахсларга солиқ солиш ва назорат қилиш бўлими бошлиғи Ш.Усмонов, вилоят Молия бошқармаси бўлим бошлиғи Ш.Хамраевалар Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг тегишли модда ва бандлари билан айбдор деб топилди. Улар Олий Мажлис Сенатининг 2008 йил 28 августдаги "Ўзбекистон Республикаси Мустақиллиги эълон қилинганлигининг ўн етти йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида"ги Қарори билан жазодан озод этилди.

Кечиримлилик инсонга хос фазилат. Бугун улар кечирилди. Бундан тўғри хулоса чиқариш эса уларнинг виждонига ҳавола. Зеро, ҳар қандан жиноий қилмиш учун жазо муқаррардир. Буни эса унутмаслик лозим.

**Фахриддин ХУШНАЗАРОВ,**
**Сурхондарё вилоят прокуратураси бўлим бошлиғи**

***Вилоят прокуратураси органлари томонидан Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техник жиҳатдан ва молиявий таъминлаш департаменти вилоят ҳудудий бошқармаси ҳамда унинг қуйи идораларида Ўзбекистон Республикасининг "Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида"ги Қонуни ижроси юзасидан текширишлар ўтказилиб келинмоқда.***

# ҚОНУНБУЗИЛИШЛАРГА ЙЎЛ ҚЎЙИБ БЎЛМАЙДИ

Мазкур Департаментнинг вилоят ҳудудий бошқармаси ва унинг жойлардаги бўлимлари суд ижрочилари иш юритувига ўтган йилнинг қолдиғи билан биргаликда 40880 та ижро ҳужжати қабул қилинган.

Шундан, 2009 йилнинг 2 сентябрь ҳолатига 30809 та 78 млрд. 601 млн. 400 минг сўмлик ёки 87,9 фоиз ижро ҳужжатларининг ижроси таъминланиб, 20128 таси ёки 43 фоизи амалда ижро этилган. 30,4 фоиз ижро ҳужжатларининг ижроси Қонуннинг тегишли моддаларига асосан тугатилган ҳамда қайтарилган, 23,4 фоиз ижро ҳужжатларининг ижроси тегишли судлар томонидан тўхтатилган.

Вилоят прокуратураси органлари томонидан ўтказилган текширишларда Департаментнинг ҳудудий бошқармаси ва унинг жойлардаги туман-шаҳар бўлимларида муайян ишлар амалга оширилиши билан бир қаторда қонунбузилиш ҳолатларига ҳам йўл қўйилганлиги аниқланди.

Жумладан, суд ижрочилари томонидан мажбурий ижро ҳаракатларини олиб боришда қарздорларга тегишли мол-мулк, пул маблағлари бор-йўқлиги ва бошқа ҳолатларни тўлиқ текширилмасдан, қонуннинг 30-моддаси талабларига зид равишда ижро ҳужжатларини икки ой муддат ичида бажармасдан сансоларликка солиш ҳолатларига йўл қўйилган.

Масалан, Навбаҳор туман прокуратураси томонидан туман суд ижрочилари бўлими фаолиятида ушбу қонунчилик ижроси текширилганда қонунбузилиши ҳолатлари аниқланган.

Вилоят хўжалик судининг 2009 йил 10 июлдаги "Исмигул Суннат" фермер хўжалигидан ундирувчи Навбаҳор туман ДСИ фойдасига 1 млн. 31 минг сўм боқиманда қарзни ундириш тўғрисидаги ижро ҳужжатлари бўлим иш юритувчига 2009 йил 28 июлда келиб тушган. Аммо мазкур ижро ҳужжатлари юзасидан қарздорга тегишли бўлган мол-мулк тўлиқ аниқланмасдан, вилоят ИИБ ЙҲХБдан автотранспорт воситаси ёки ҳисоб рақамида пул маблағи бор-йўқлиги текширилмасдан, ижро этиш муддати ўтказиб юборилган.

Шунингдек, вилоят хўжалик судининг 2009 йил 10 июлдаги "Эргаш бобо" фермер хўжалигидан Навбаҳор туман ДСИ фойдасига 1 млн. 700 минг сўм боқиманда қарзни ундириш тўғрисидаги ижро ҳужжати бўлим иш юритувига шу кунда келиб тушган. Бироқ, бу ҳолатда ҳам ижро ҳужжатида кўрсатилган қарздорга тегишли бўлган мол-мулклар тўлиқ текширилмасдан, қонунда белгиланган 2 ойлик муддат бузилган ҳолда ижро қилинган.

Туман прокуратураси мазкур қонунбузилишлар юзасидан туман суд ижрочилари бўлими катта суд ижрочиси О.Қаҳҳоровни келгусида қонунбузилишларига йўл қўймаслик хусусида расман огоҳлантирган.

Конимех туман прокуратураси томонидан туман суд ижрочилари бўлимида ўтказилган текшириш давомида вилоят хўжалик судининг 2009 йил 16 июндаги ижро варақасига асосан тумандаги "Навоий дизайн сервис" хусусий фирмасидан Конимех ДСИ фойдасига 122 минг 300 сўм ундириш ҳақидаги ижро ҳужжати туман суд ижрочилари бўлимига 2009 йил 30 июлдан келиб тушган. Ушбу ижро ҳужжати юзасидан қарздорга тегишли бўлган мол-мулклар тўлиқ текширилмасдан, тегишли органлардан қарздорнинг автотранспорт воситаси мавжудлиги ёки йўқлиги, ҳисоб рақамида пул маблағи бор-йўқлиги ўрганилмасдан ижро ҳужжати қонунга зид ҳолда тўхтатилган.

Текшириш натижасига кўра, суд ижрочилари туман бўлими катта суд ижрочиси У.Алмуратов келгусида қонунбузилишига йўл қўймаслик хусусида расман огоҳлантирилган.

Бундан ташқари, вояга етмаганлар моддий таъминоти учун алимент ундириш борасидаги ҳужжатларнинг ижро этилишида ҳам камчиликларга йўл қўйилган.

2006 йил 5 январдаги Фуқаролик ишлари бўйича Қизилтепа туман судининг ижро ҳужжатига асосан Илҳом Қодиров 2006 йил август ойидан бошлаб даъвогар Г.Отаева фойдасига икки нафар вояга етмаган фарзандининг моддий таъминоти учун тўлаши лозим бўлган 2 млн. 520 минг сўм алимент пулларини суд ижрочилари бир неча марта огоҳлантирганига қарамасдан тўламасдан қочиб юрган.

Мазкур ҳолат бўйича 2009 йил 30 июлда Қизилтепа туман прокурори томонидан И.Қодировга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 122-моддаси 1-қисми билан жиноят иши қўзғатилиб, ҳозирда дастлабки тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Вилоят прокуратураси органлари томонидан мазкур йўналишда ўтказилган текширишларда аниқланган қонунбузилиш ҳолатлари юзасидан 17 та тақдимнома киритилиб, 43 нафар суд ижрочиси қонунбузилишига йўл қўймаслик хусусида расман огоҳлантирилди. 5 нафар суд ижрочиларига нисбатан интизомий жавобгарликка доир иш қўзғатилган, 2 та ноқонуний ҳужжатга протест киритилган. 11 ҳолат бўйича ЖКнинг 122-моддаси 1-қисми билан жиноят иши қўзғатилган.

**Ихтиёр КАРИМОВ,**
**Навоий вилоят прокуратураси бўлим прокурори**



Зим-зиё тун қаърида элас-элас эшитилаётган нола Саиднинг юрагини пора-пора қилиб юборди. "Йиғлама, болам!.. Мен ҳозир-...ҳозир етиб бораман, болажоним!.. Озгина сабр қил, сени яхши кўрардим, жоним қизим... Кел, бағримга босай сени! Зора оғриқларинг бироз пасайса, қароғим..." У шундай дея қоқила-суқила поёнсиз зимистон ичра овоз келаётган томон ошиқади. Бироқ... у яқинлашгани сайин оқ матога ўранганча нола чекаётган Шарифа рўмолини силкитиб ундан йироқлашади: "Кетинг, кетинг!.."

Саид минг тўлғониб унинг ортидан югуради. Унга сайин қизи яна ёнидан ҳайдайди: "Мени болам деманг... Гуноҳкор бўлсам-да, яшашга ҳаққим бор эди-ку, ахир!.. Кетинг, кетинг!.."

# БЕНОМУС ҚИЗ

## отасини қотилликка ундади

Ҳансираб, терга ботган Саид бир неча ойдирки, ҳамоқхона тонгини шу ҳолда қаршилайди. Қани энди бу руҳий азоблардан қутула олса! Бу қийноқларнинг охири бормикан?! Қанийди, ҳаммаси яна ортга қайтса-ю, барчасини яхшилик билан якунласа... Афсуски, энди кеч... Кексайган чоғида ўз боласининг қотилига айланган бу гумроҳ банда гуноҳини қандай ювсин?!

* * *

Саиднинг суяги далада қотган. Уйланиб, бола-чақали бўлгач ҳам оиласининг ризқини деҳқончилик ортидан топарди. Эрта тонгдан кетмонини елкасига илганча далага отланар, уйига қайтганда қош қорайиб, кўпчилик аллақачон уйқуга кетган бўларди. Табиийки, бундай шароитда рўзғорнинг деярли барча ташвишлари-ю, болалар тарбияси аёл елкасига тушади. Донохон ҳам ўзи билмаган ҳолда ана шу оғир юкни ўз зиммасига олди.

Бирин-кетин туғилган болалар ҳайит-байрамлардагина оталари билан бир дастурхонда ўтириш бахтига муяссар бўлишар, қолган кезлар фақат оналари билан бирга эдилар. Оилада ота тарбиясининг ўрни беқиёслигини бу гумроҳ бандалар қаёқдан ҳам билсин?!

Яшашнинг мазмуни тонг саҳарда туриб сигир-бузоқларга қараш, ҳовли-жойни саранжомлаш, овқат пиширишу ярим тунда кўчадан қайтган эрнинг харҳашаларини адо этишда деб билган кўплаб аёллар сингари Донохон ҳам болаларга етарлича эътибор қаратмас, унинг бепарволиги айниқса, кенжа қиз — Шарифага жуда қўл келарди. Ҳали вояга етмаган кезлариданоқ дугоналари билан мардикорликка бориб, ўзининг кийим-боши учун пул топишни одат қилган қизнинг табиатида турли ўзгаришлар пайдо бўла бошлади.

Шарифа дугоналари орасида дуркунлиги, хушрўйлиги билан ажралиб турар, боз устига ўйнаб турган кўзлари унинг жўшқин ҳисларидан дарак берарди гўё. Нозли қилиқлари, атрофдагилар эътиборини қозониш учун қилаётган хатти-ҳаракатлари айрим тизгинсиз эркаклар назаридан четда қолмасди, албатта. Айни балоғат ёшида...

"Қизинг мардикорга бораётган эмиш. Мен шулар қийналмасин, деб даладан бери келмасам... Унга айт, бошқа бундай қилмасин! — Саид бир куни инисидан қизи бировларнинг уйида ишлаб юрганини эшитиб, хотинига тайинлади. — Яна мардикорга борганини эшитсам, уни ҳам, сени ҳам қаттиқ хафа қиламан!"

Донохон бу гапни қизига айтди. Бироқ, аллақачон кўчага ўрганиб улгурган қиз билганидан қолмади. Отасидан яширинча яна мардикорликка бориб юраверди. У кўчага чиқиб кетгач, нималар билан машғуллигини ҳеч ким билмас, ортидан суриштириб тергайдиган кимса йўқ эди. Саид ҳам "Онасига тайинладим-ку, ўзи тергаб олар" деган хаёлда ортиқ бу мавзуга қайтмади. У ҳатто қизининг ҳафталаб қаерлардадир қолиб кетаётганидан ҳам мутлақо бехабар эди.

— Ойи, мен ҳомиладорман, — Шарифанинг ноилождан шивирлаб айтган гапларини эшитган Донохон жавобга қотиб қолди. Сўнг унсиз юзларини юлди. Қизини уй ичига қамаб, хуморидан чиққунча калтаклади. Охири бир қарорга келолмай, турмушга чиқиб кетган катта қизи Зарифани ўғли орқали айттириб келди.

— Даданг эшитгудек бўлса, мени ҳам, синглингни ҳам чопиб ташлайди, — деди Донохон йиғлаганча Зарифага бор гапни айтиб бергач. — Энди нима қиламиз?..

Илгари бундай ифлос ишларга гувоҳ бўлмаган, қолаверса, синглисининг юзсизлигини ҳазм қилолмаётган Зарифадан ҳам жўяли маслаҳат чиқмагач, Шарифа "Ўзим бир ёқли қилиб келаман", деганча кўчага отланди. Она-бола эса эрлардан яшириб юрган пулларини унинг қўлига тутқазишар экан, бор аламларини ичларига ютишди. Ахир бирор жанжал чиқса, бу шармандалик бутун қишлоққа тарқаб кетиши ҳеч гап эмасди.

Шарифа бир ҳафта деганда қайтиб келди. Онасининг "Тинчликми? Анави зормандани нима қилдинг?!" деган саволига совуққина қилиб: "Олдириб ташладим..." деб жавоб қилди. Онаизор унга йиғлаб-сиқтаб насиҳат қилди. Опаси ёлворди. Насиҳатлар кор қилдими, ё бошқа сабаб, Шарифа бир ойча кўчага чиқмай, рисоладаги қиз бўлиб юрди. Буни кўрган онаси унга яна ортиқча эътибор қаратмай қўйди. Афсуски, у айнан шу бепарволиги кейинчалик жуда қимматга тушишини ҳали билмасди.

"Ўрганган кўнгил ўртанса қўймас", деганларидек, орадан ҳеч қанча вақт ўтмай ҳамтовоқларига ўрганган Шарифа онасини "Дугонамнинг тўйига бориб келаман", деб алдади-ю, яна кўчага ошиқди. Шу зайлда опасини ҳам алдаб, унинг қулоғидаги 400.000 минг сўмлик тилла балдоқни бир кунга тақиб туриш баҳонасида сўраб олиб, бир таниши билан дам олишга Нанайга кетиб юборди. Бундан на ота ва на она хабар топди. Фақатгина тунда ҳам қизи уйга қайтмаганидан бироз ташвишланган Донохон Шарифанинг дугоналаридан суриштириб, унинг "зона отдих"га кетганидан хабар топгач, аввалига тоза жиғибийрон бўлди. Сўнг, "Омон бўлса, ўзи қайтиб келар" деган ўйда тақдирга тан берди. Бу сирдан эрининг хабар топмаслиги йўлларини ахтаришга тушди. Унинг бахтигами ё аксими, Саид болаларининг юриш-туриши билан мутлақо қизиқмас, тонг саҳардан қаро тунгача далада бери келмасди.

Шарифа дам олишга кетганининг индинига эрига лавлаги экишга ёрдамлашгани борган Донохон қизининг уч кундан буён уйга келмаётганини айтиб қолди. Саид аввалига хотини-ю қизини бўралатиб сўкди. Аммо сал ҳовуридан тушгач, ноилождан "Уйга қайтсин, у билан ўзим гаплашаман", деди-ю, ҳам номус, ҳам аламдан тилини тишлади.

2009 йил 20 июль куни эрталаб эр-хотин яна далага жўнашди. Орадан бир соат ўтар-ўтмас орқаларидан кенжа ўғиллари Мухтор етиб борди. У кела солиб онасига аста шивирлади:

— Шарифа опам келди. Зарифа опам тез сизни айтиб келишимни тайинлади...

Бу хабарни эшитган Донохоннинг бирдан ранги ўзгарди. Эри томон олазарак боқаркан, сир бой бермасликка уриниб, кетишга шайланди:

— Дадаси, мен уйга бориб, тушликка овқат пишираман... Сиз ҳам эртароқ бораверинг...

Саиднинг кўнгли бир кўнгилсизликни сезиб, ғашланди. Бироқ у ҳам сир бой бермай, хотинига розилик берди.

Донохон ҳовлига кириб келганида Шарифа уй ичида телевизор кўриб ўтирарди. Онасининг ғазабнок чеҳрасига кўзи тушиши билан уни қучоқлаб олиб, аччиқ-қуруқ гапиришга ҳам қўймади. Айёрлик билан вазиятни ўз қўлига олиб, дарров бир дунё баҳоналарни тўқиб ташлади. Донохон жанжал кўтариб қўшниларга шарманда бўлишдан чўчидими ё қизига гап кор қилмаслигини билгани учунми, уни енгилгина койиган бўлди-ю, овқатга уннади. Бу орада аввал Саид, сўнгра Зарифа кириб келишди. Бироқ овқат устида ҳеч ким юрак ютиб Шарифадан қаерда юрганини сўрай олмади. Афтидан, улар ҳам жанжал чиқиб кетишидан чўчишаётганди.

Овқатланишганидан кейин Шарифа ўз хонасига йўл олган эди, ортидан Зарифа ҳам кирди-ю, синглисидан тилла балдоғини сўради.

— Пул керак бўлиб қолиб сотиб юбордим, ўрнига бошқасини олиб бераман, — деди Шарифа бепарволик билан. Бу гапни эшитган опа бирданига тутақиб кетди:

— Бу нима деганинг, ярамас? Балдоқни қаерга йўқотдинг? Сенга қанча яхшиликлар қилдим. Ҳомилангни йўқотишинг учун қанча пул бердим. Ўша яхшиликларимга раҳматингми бу? Эримга нима дейман энди?! — у шундай дея йиғлашга тушганди, шовқиндан хавотирланган Донохон уларнинг ёнига ошиқди. Саид ҳам келиб, шундоққина остонада турганча ичкарига қулоқ тута бошлади.

— Шунчалик юзсиз бўлиб кетганмисан? — синглисининг миқ этмай туришидан баттар жаҳли чиққан Зарифа унга ташланди. — Ҳали турмушга чиқмай туриб бола орттириб олганинг, ҳомилангни олдирганинг етмагандай, энди тиллаларимизни ҳам сотиб битирмоқчимисан? Сал олдинроқ онамнинг тилла тишларини ўғирлаб кетиб, сотиб юборгандинг. Айт, мегажин, балдоқнинг пулини қаерга ишлатдинг? Ўйнашларинггами?

У шундай деганча жазавага тушиб, Шарифани уришга интилганди, орага онаси тушиб, уни нари олди:

— Қўй, қизим, бундай қилма. Сен ҳомиладорсан, сиқилиш мумкин эмас... Ҳозир уйингга чиқиб кетавер, у билан ўзим гаплашаман! Бақир-чақир қилаверсанг, отанг ҳам эшитиб қолади, шарманда бўламиз... Ёмон бўлса ҳам синглинг ахир...

Зарифа онасининг ялиниб-ёлвораётганини кўриб, ортга чекинди. Қолаверса, можародан дадасининг хабар топишидан чўчиб, йиғлаганча ташқарига йўналди. Бироқ улар қўрққан нарса аллақачон юз берган, Саид остонада туриб бор гапдан хабар топганди.

У шу тобда номусдан қадди дол бўлганча, турган ерида қотиб қолган, эшитганлари ростми ёки ёлғонлигини англолмагандек, гарангсиб турарди. Йиғлаганча чиқиб келаётган катта қизига: "Сен боравер, биз ўзимиз..." деди-ю, дарғазаб бўлганча ичкарига отилди.

— Сен ифлос, нималар қилиб юргандинг?! — у шундай деганча кўрпачада безрайиб ўтирган Шарифага ташланди. Хотинининг "ҳай-ҳай"лашига ҳам қарамай, уни уриб калтаклашга тушди. Она экан-да, гарчи қизининг юзсизлигидан жаҳли чиқиб турган бўлса-да, Донохоннинг Шарифага раҳми келиб, эрининг қўлига ёпишди:

— Ҳой, дадаси, ўзингизни босинг!.. Эшитганлар нима дейди?! Бўлар иш бўлиб ўтди. Маҳалла-кўй олдида шарманда бўлмайлик...

Саид ерга юзини беркитиб ётиб олган қизига ўкрайиб қаради-да, жаҳл билан кўчага чиқиб кетди. Шу тобда у ёруғ оламга сиғмаётгандек бўғилиб борар, назарида унга ҳаво етишмас эди. Кўчада турган қўшнисидан сигарет сўраб олиб чекди-да, бир четда ўтириб, ўйга ботди. Айни дамда қизини назоратсиз қолдиргани учун ўзини, уни бу ифлос йўлга етаклаганларни лаънатлар, тарбия беришни билмаган хотинини ҳам бўралатиб сўкарди.

Кўчада қанча ўтирди, билмайди. Ниҳоят, тақдирга тан берган қуйи қизининг кечирим сўрашидан умидвор бўлиб, у ётган хонага кириб борди. Ортидан эргашган хотинини ҳайдаб солди.

— Мени шу кўйга солганингиздан хурсандмисиз энди?! — Шарифа узр сўраб дадасига ёлвориш ўрнига, у кириши билан ўшқирди. — Сиз менга хўжайин эмассиз, билдингизми?! Ҳар қанча калтаклаганингиз билан ўз билганимдан қолмайман!

Саид қизининг беорларча айтган гапларини аввалига тушунмай, унга бир зум термулиб турди. Сўнг бу номуссизликка чидай олмай, Шарифанинг қўлидаги синтетик рўмолини юлқиб олди-да, жаҳл билан томоғига боғлаб, куч билан бўға бошлади.

У ўзига келганида Шарифанинг жонсиз танаси шалвираб турар, кўзлари эса ҳали ҳаётга тўймагандек катта-катта очилиб қолганди. Қўрқиб кетган ота уни кўрпачага ётқизди-да, юзига рўмолини ташлаб қўйиб, ўзи оғир қадамлар билан ташқарига чиқди. Унга хавотир билан қараб турган хотинига ҳеч нима демай, бориб сўрига ўтирди. Донохон ичкарига кирмоқчи эди, уни қайтарди:

— Кирма, қўрқасан...

Аёл ҳаммасини тушунди. Бироқ ишонмагандек изиллаб йиғлаганча эрининг қўлига осилди:

— Уни нима қилдингиз?! Нима қилиб қўйдингиз?!!

Ўз жигаргўшасининг қотилига айланган ота шу тобда нима қилишини билмас, қилмишидан қўрқиб, қалтироқ вужуди билан вазиятдан чиқиш учун чора изларди. Ниҳоят, бир қарорга келди чоғи, хотинини силтаганча гап уқтирди:

— Қизимизни кимдир ўлдириб, дарвоза олдига ташлаб кетибди, деймиз, тушундингми?! Бўлган воқеалар ҳақида ҳеч кимга оғиз очма! Акс ҳолда, эрингдан ҳам ажраб қоласан. Мени қамоққа тиқишади...

Саид қизининг жасадини эшик ёнига олиб келиб қўйиб, кейин қариндош-уруғларга хабар берди: "Кимдир қизимни ўлдириб кетибди!.."

Виждон азоби барибир тинчлик бермади. Қотилни топиш мақсадида тезкор қидирув ишлари бошланиши билан у ўз айбини тан олиб, бор ҳақиқатни айтиб берди.

Жиноят ишлари бўйича Наманган вилоят суди Саид Қаҳҳоровнинг мазкур қотиллик жиноятини атрофлича ўрганиб чиқиб, унга нисбатан қонуний ҳукм ўқиди.

**Мўминжон БОБОМИРЗАЕВ,**
**Наманган вилоят прокуратурасининг бўлими бошлиғи**
**Нилуфар НИЁЗОВА,**
**журналист**

**Биз баён қилмоқчи бўлган жиноят тафсилоти оддий, аммо анчайин мулоҳазаталаб. Маълумки, жиноят қонунчилигида зарурий мудофаа деган тушунча бор. Зарурий мудофаа жиноят саналмайди. Аммо ана шу зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқиш жиноят деб топилади.**

# ЗАРУРИЙ МУДОФАА ЧЕГАРАСИДАН ЧИҚИБ...

Янгийўллик Мирзакарим Мамадалиев (исм-фамилиялар ўзгартириб берилмоқда)ни кўпчилик яхши инсон, ишнинг кўзини биладиган фермер сифатида танишади. Мирзакарим ака мана неча йилдирки фермер хўжалигини юритиб, элюртга, оиласига, таниш-билишларига наф келтириб юрган эди.

Кунларнинг бирида, аниқроғи 2008 йилнинг ёзида унинг олдига таниши, яқиндагина қамоқдан чиққан Мусо Абдухолиқов иш сўраб келади. М.Абдухолиқов деганлари тўрт марта судланиб, умрининг анчагина қисмини панжара ортида ўтказганлардан бири эди. Фермер Мирзакарим акага учрашган пайтида ҳам М.Абдухолиқовга суд ҳукми билан иш ҳақидан 20 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 йил ахлоқ тузатиш ишлари белгиланган эди.

У фермерга узуқ-юлуқ гаплар билан ҳаётда кўп адашгани, энди тазарру қилганию одамга ўхшаб яшамоқчи эканлигини тушунтирган бўлди. Гапининг охирида "Мирзакарим ака, сизнинг фермер хўжалигингизда ишласам, ойлигимдан йигирма фоизини туман ИИБга ўтказиб турардим" деди.

Начора, "йигитга имконият бериш керак". Қолаверса, хўжаликка ишчи ҳам зарур. Фермер рози бўлди. Ҳаёти изидан чиқиб кетган Мусога ўз уйидан бошпана берди. Бу ҳол Мирзакарим аканинг аҳли аёлига унча маъқул тушмади. Сабаби М.Абдухолиқовнинг хурмача қилиқлари, ичиб олиб кўрсатган ҳунарларидан бошқалар қатори улар ҳам хабардор эдилар. Шунга қарамай, Мирзакарим ака кенглик қилди: Мусонинг ҳар замонда ичиб олиб гандираклаб юришига қараб, "бировга зиёни етмаса бўлди-да" деб, кулиб қўяқолар эди.

Ишдан бошқа нарсани ўйламайдиган фермер ҳали олдинда қандай нохушликлар кутиб турганини чуқурроқ ўйлаб кўришни ҳам истамасди. Ахир қандай муаммо бўлиши мумкин? Ўзи танийдиган ўша "Вовка", ҳар замонда ичиб олиб тўполон қилиб туришини айтмаганда, ёмон йигит эмас. Айтилган ишни айтилгандай бажаради. Ишдан қочмайди. Энди ёш болamas, зора кўзи очилиб, тўғри йўлга тушиб кетса...



ортиқ" деган гап бекорга айтилмаган экан. Куз кунларининг бирида маҳалладошлардан бири тўй берадди. Табиийки, (ачинарлиси ҳам шунда) тўйдан кўпчилик ширакайф аҳволда уйига қайтди. Бундан фермер Мирзакарим ака ҳам четда қолгани йўқ. Тўй зиёфатидан қайтган фермер ўз уйига қайтганида унинг яхши кайфиятидан асар қолмади. Сабаби, Мусо ғирт маст аҳволда ҳовлида ишлаётган (Мирзакарим ака уйида уста ишлатаётган эди) усталарнинг бошини қотириб ўтирган экан. У Мирзакарим акани кўриб, пешвоз чиқди. Ҳе-йўқ, бейўқ "пулдан чўзинг хўжайин, оғайниларни бир меҳмон қилишим керак" деб қолди.

Одатда, Мирзакарим ака унга бунақа пайтда пул бермас эди. Билардики, ҳозир пул берса ҳаммасини ичиб йўқ қилади. Шунинг учун "бугун пул йўқ, эртага пичанни сотсам, албатта бераман" деб уни овутмоқчи бўлди.

Қани энди Мусо гапга тушунса! Хиралик қилавергач, Мирзакарим ака уни бир-икки уришиб берди, у гап қайтариб сўкина бошлади. Бундай вазиятда томошабин бўлиб ўтиришни маъқул топмаган усталар бир нималарни баҳона қилиб ҳовлидан чиқиб кетишди.

Гап талашиш жанжалга айланган пайтда уй бекаси — Мирзакарим аканинг турмуш ўртоғи ва қизи айвонга чиқиб, уларни муросага чақирган бўлишди. Фойдаси бўлмади.

Мусо ҳаддидан ошиб кетди, қаердандир пичоқ топиб келиб фермерга "Бола-чақанг билан қўшиб сўйиб ташлайман!" дея дағдаға қила бошлади.

Тўғриси, фермер ва унинг оила аъзолари бундан шошиб қолишди. Ахир, у бир аёлни пичоқлаб тўрт йил ўтириб чиққан, охирги бор судланганида ҳам ўз опасининг биқинига тиғ санчиб, жазосини олганини маҳалла аҳли яхши билар эди.

Мирзакарим аканинг "уйга кирринглар" деган гапи билан хотини ва қизи ғойиб бўлишди. Мусо пичоқ билан Мирзакарим акага ташланди. Эпчиллик қилган фермер унинг қўлини қайириб пичоқни олиб қўйди. Аламидан тишини тегирмондай ғижирлатаётган Мусонинг қўлида энди болта пайдо бўлди. Унинг важоҳати жиддий эди, фермер ортига тисарилиб дарвоза томон қоча бошлади.

Мусо болта кўтариб уни қуваётган пайтда ерда ётган тахтага қоқилиб йиқилди. Унинг қўлидаги болта бир-икки қадам нарига бориб тушганини кўрган Мирзакарим ака болтага қараб югурди. Уни олиш учун эгилганида Мусо ҳам етиб келган эди. Иккови болта талашиб уришиб кетишди.

Мирзакарим аканинг хаёлида фақат бир нарса, қандай бўлмасин бу ваҳшийнинг қўлидан болтани олиб қўйиш бор эди. Аммо Мусо ҳам бўш келмас, "ҳаммангни битталаб чопиб чиқаман!" дея хириллаб, Мирзакарим аканинг қўлидаги болтага тармашар эди. Шу пайт унинг оёғи тойиб, мункиб кетди.

Бу ёғини Мирзакарим ака аниқ эслай олмайди: болтанинг орқаси билан Мусонинг бошига неча марта урди, ўзиям англамай қолди. Унинг ягона мақсади қандай йўл билан бўлса-да қутурган ҳайвондай ташланаётган нусхадан ўзи ва оила азоларини ҳимоя қилиш эди.

Аммо у зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқиб кетган эди. Оғир зарба натижасида М.Абдухолиқов шу жойнинг ўзидаёқ жон берди. Унинг жонсиз танаси тепасида турган Мирзакарим ака нима иш қилиб қўйганини англаб етганида, вужудини қўрқув босди. У қайта-қайта Мусонинг юрак уришини эшитиб кўришга ҳаракат қилар, ундан жон асарини сезмагани сайин ваҳимага тушмоқда эди.

Нима қилиш керак? Бир муддат ўйлаб турган фермер дарвоза олдида турган эшак аравани жасад олдига суриб келди. Мурдани унга ортиб, устини эски-тускилар билан беркитиб қўйди. Сўнг аравага эшакни қўшиб, ҳовлини орқа дарвозасидан чиқиб кетди.

Маҳалладан унча узоқ бўлмаган жойдан оқиб ўтадиган канал бўйлаб бироз юрди. Сўнг амаллаб жасадни аравадан туширди-да, бир муддат тикилиб қолди. Сўнг "Ўзингниям, мениям адо қилдинг, нонкўр" дея каналга ташлаб юборди.

Уйига қайтиб, қон тўкилган тупроқни кетмон билан қириб, ахлат челакка солиб қўйди.

Судда Мирзакарим Мамадалиев бу ишни жиноят изини яшириш учун эмас, фарзандлари ва турмуш ўртоғининг жасадни кўриб қўрқиб кетишини истамагани учун қилганини айтади. У милиция ходимларига ҳам ахлат челакдаги қонли тупроқни ўзи, ихтиёрий равишда кўрсатганини айтиб ўтади.

Аммо у милиция ходимларини чақириши ва жиноят ҳақида хабар бериши ҳам мумкин эди-ку. У бундай қилмади. Бу ҳам унинг хатоси эди.

"Мусони ўлдириш ниятим йўқ эди. Менинг биргина мақсадим ўзим ва оиламни ҳимоя қилмоқчи эдим. Унинг ўлиб қолишини истамаганман. Жони узилганини кўриб қўрқиб кетдим. Ўзим ва оиламнинг тақдиридан хавотирга тушдим" дейди у.

Қандай ҳолатда ва қай тарзда бўлишидан қатъи назар жиноят содир этилди. Жиноят эса жазосиз қолмаслиги керак. Адолат талаби шу.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2004 йил 24 сентябрдаги "Қасддан одам ўлдиришга оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида"ги 13-сонли қарорининг 27-бандида, "Қасддан одам ўлдириш учун жазо тайинлашда ушбу жиноят содир этилишидаги барча ҳолатлар: қасд тури, қотиллик сабаблари, мақсади, усули, жиноят содир этилган вазият ва жиноят босқичи, шунингдек, айбдорнинг шахси, унинг ўз қилмишига муносабати, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатлар эътиборга олиниши зарур. Айни пайтда жабрланувчининг шахсига оид маълумотлар, унинг судланувчи билан ўзаро муносабатлари, шунингдек, қотиллик содир этилмасдан олдинги хулқ-атвори ўрганилиши лозим" дейилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1996 йил 20 декабрдаги (Олий суд Пленумининг 2002 йил 14 июндаги 10-сонли қарорига асосан киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар билан) "Ижтимоий хавфли тажовузлардан зарурий мудофаа ҳуқуқини таъминловчи қонунларни судлар томонидан қўлланилиши ҳақида"ги 39-сонли қарорнинг 12-бандида "Судлар зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқиб одам ўлдиришда, оғир ёки ўртача оғир тан жароҳати етказишда айбли топилганларга нисбатан жазо чоралари белгилашда, Жиноят-процессуал кодексининг 467-моддаси талабига кўра, ҳар бир муайян иш юзасидан жиноят содир этилиши ҳолатларини ва судланувчиларнинг шахсига оид маълумотларни эътиборга олиб, озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинлаш масаласини муҳокама қилишлари керак, агар озодликдан маҳрум этиш жазоси белгилаш лозим бўлса, бу ҳолат ҳукмда асослантирилиши лозим" дейилган.

Суд ҳам жабрланувчининг, ҳам айбланувчининг шахсини ўрганиб чиқди. Суд М.Мамадалиевга нисбатан жазо тайинлашда, унинг жиноятни спиртли ичимлик истеъмол қилган ҳолда содир этганлигини оғирлаштирувчи ҳолат деб топгани ҳолда, унинг муқаддам судланмагани, қилмишидан астойдил пушаймонлиги, ижобий тавсифланишини, қарамоғида вояга етмаган фарзанди борлигини, жиноятнинг содир этилишига жабрланувчининг маст ҳолатда бўлганлигини ва бошқа жиҳатларни енгиллаштирувчи ҳолатлар деб топди.

Шуни ҳам айтиб ўтиш ўринлики, жабрланувчининг, яъни марҳум М.Адухолиқовнинг опаси ҳам суддан М.Мамадалиевга максимал даражада енгил жазо берилишини сўраган.

Суд М.Мамадалиевга нисбатан адолатли ҳукм чиқарди: унга 1 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси белгиланди.

**Авазбек ХУДОЙҚУЛОВ,**
**Янгийўл туман прокурори ёрдамчиси**

---

**Ўғил бола отанинг тарбиясини олмаса, онанинг меҳрини тўлиқ ҳис қилмаса, ҳаётда ўрнини топиши жуда қийин бўлар экан. Сергей ҳам отасиз, ёлғиз онасининг қарамоғида ўсди. Бўйни ишга ёр бермай, бирор жойдан муқим иш топмади. Тўғрироғи, иш жойидаги тартиб-интизомга риоя қилишни унча истамади. Унга хоҳлаган пайти борадиган иш керак эди. Натижада бирор касбнинг бошини ҳам тута олмади.**

# ОРТИҚЧА "ОДИЛЛИК" ОҚИБАТИ

Балоғатга етгач, ҳе йўқ-бе йўқ, Валя исмли бир қизни уйига олиб келиб у билан фуқаролик никоҳида яшай бошлади. "Ўғлим бахтли бўлса бўлгани", деб ўйлаган онаси қўлидан келганича "ёш оила"ни қўллаб-қувватлаб турди.

Сергей ҳам, Валя ҳам, "ётиб ейман" деганлардан чиқиб қолди. Уларнинг бир-бирига ўхшаб кетадиган жиҳати шунда эдики, иккиси ҳам ароқ ичишни хуш кўришар, ароққа пул бўлмай қолганида, уларнинг жангини томоша қилишга томошабин йўқ эди. Она бечора уларни тинчитолмай ҳалак бўларди. Бу жанжалнинг охири Валянинг калтакланиши билан якун топарди. Жазаваси тутган Сергей баъзан қутуриб, орага тушган онасини ҳам калтаклаб қоларди.

Бундай жанжаллардан сўнг Валя кетиб қолар, эртаси куни "калласи совиган" Сергей уни излаб топиб, минг тавалло билан яна уйига олиб келарди.

Ёз кунларининг бирида яна ароқ устидан Сергей билан Валянинг орасидан гап қочди. Бу жанжал Валянинг кетиши билан тугади. Эртасига Сергей барча ишини қўйиб, "севгилиси"ни қидиришга тушди. Кечга яқин уни кўп қаватли уйлардан бирининг ахлат тўкиш учун қурилган майдонча ёнидаги уйчадан топди.

Валя дугонаси Татьяна билан бир йигит даврасида ўтирарди. Валя уни хушламай кутиб олди. Сергей даврага қўшилди. Ўзини Рустам деб таништирган йигит қизларга пул бериб, ароқ ва майда-чуйда олиб келишлари учун дўконга юборди.

Қизлар чиқиб кетишгач, Рустам ўзининг қисқача тарихини айтиб берди. Энди 21 баҳорни қаршилаган йигит отасига аччиқ қилиб, уйидан кетиб қолган ва анчадан бери мана шу "кошона"да яшаётган экан. У ахлатхоналардан қоғоз ва шиша бутилкаларни тўплаб, қабул қилиш пунктларига топширар, ундан тушган пул эвазига "қора қозонини қайнатиб тураркан".

Қизлар дўкондан ароқ ва газак олиб келишди. Рустамнинг "кошонаси"да базми жамшид бошланди. Биринчи шиша бўшагач, нима учун бу ерга келганлиги Сергейнинг ёдига тушиб қолди.

— Валя, тур энди уйга кетамиз.

— Бормайман, яна мени урасан.

— Урмайман. Алдасам, ҳар нарса бўлай!

Рустам қизиққан киши бўлиб Валядан сўради:

— Сергей сени урадими ҳали?

— Уриш ҳам гапми, ичиб олса, коптоқ қилиб тепиб ташлайди-ю!

— Ҳеч ким сени ҳимоя қилолмайдими?

— Онаси бир-икки марта ажратиб оламан деганида, онасиниям уриб ташлади. Шунинг учун уйга бормайман. Онангнинг мен учун калтакланишини, ўзимнинг ҳам таёқ ейишимни истамайман.

Онасига ҳам қўл кўтаришдан тоймайдиган кимса билан бир дастурхонда ўтирганидан Рустамнинг орияти қўзиди.

— Ўв йигит, ҳали онангга ҳам қўл кўтарасанми?

— Сенинг нима ишинг бор! Урсам ўзимнинг онамни урибман-да, сеникинимас-ку.

Рустам шартта унинг гирибонидан олди:

— Қизлар, ташқарига чиқиб туринглар, мен бу зўравон билан бир гаплашиб олай!

Қизлар ўринларидан туриб, ташқарига чиқишди. Ичкарида "онасига қўл кўтарган зўравон" билан Рустам қолди. Рустам Сергейнинг сурбетлигидан қаттиқ нафратланиб, унинг "ақлини киргизиб қўймоқчи" бўлди. У Сергейни шундай калтакладики, натижада у хонанинг бир бурчига йиқилиб қолди.

Шундан кейин Рустам қизларни чақирди. Улар ичкарига киришганда ғужанак бўлиб ётган Сергейни кўришди. Валя унга ачиниб, аста туртмоқчи эди, Рустам жеркиб берди:

— Қўявер, бироздан сўнг ўзига келиб қолади. Бундан кейин аёлларга қўл кўтармайдиган бўлди. Даврамиз ҳам анча совиб қолди, қани, бир ноқобил фарзанднинг менинг муштим билан қобиллар сафига қайтганлиги учун ичамиз!

Улар иккинчи шишани бўшатсалар ҳам Сергей ўрнидан турмади. "Ўчиб қолган" улфатлар шундай дастурхон тепасида ухлаб қолишди. Эртаси куни ҳаммалари уйғониб, яна ахлатхонадан қоғоз ва елимидиш теришга тушиб кетишди. Валя Сергейнинг устига хонадаги эски кўрпачани ташлаб қўйиб, "иш"га чиқди.

Кечқурун бир "зиёфат"га етарли пул ишлаган улфатлар "кошона"га қайтишди. У ерда Сергей ҳали ҳам ўзига келмай, инграб ётарди. Ишдан ҳориб келганлар базмни бошлашди. Валя Сергейни қанча турткиламасин, у фақат инграб қўяр, кўзини очолмасди. Бундан сергак тортган Рустам Сергейни уйига олиб боришни таклиф қилди. Ҳаммалари Сергейни суяб-сургаб, уйига олиб боришди. Онаси ўғлининг аҳволини кўриб қўрқиб кетди ва "Тез ёрдам" чақирмоқчи бўлди. Бироқ, Валя уни тўхтатиб қолди:

— Ойи, Серёга бироз кўп ичиб қўйди. Эртагача ухласин, отдай бўлиб кетади.

Онаси эрталабгача унинг бошида ўтириб чиқди. Ўғлининг аҳволидан ташвишга тушиб, "Тез ёрдам"га қўнғироқ қилди. "Тез ёрдам" ходимлари беморни текшириб кўришгач, унинг аллақачон жон таслим қилганини айтишди...

Суриштирув-тергов жараёнида ушбу жиноят иши билан боғлиқ барча ҳодисалар атрофлича ўрганиб чиқилди. Ўзининг ортиқча "одиллиги" билан бир одамнинг умрига зомин бўлган Рустам Сатторов судда ўз айбига тўлиқ иқрор бўлди. Унинг хатти-ҳаракатига ҳар томонлама баҳо берилиб, тегишли жазо тайинланди. Отасига аччиқ қилиб уйидан кетиб қолган йигит энди умрининг анчагина қисмини панжара ортида ўтказадиган бўлди.

**Каримшоҳ БОБОЕВ,**
**Самарқанд туман прокурори катта ёрдамчиси**



# НАФС БАЛОСИ

Одам савдоси билан боғлиқ жиноятларни фош қилиш, унинг олдини олиш ҳамда оқибатларини бартараф этиш бугунги куннинг долзарб масалаларидан ҳисобланади. Мамлакатимизда "Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида"ги Қонун, Республика Президентининг "Одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ва шу қарор билан тасдиқланган 2008-2010 йилларда одам савдосига қарши курашиш бўйича Миллий тадбирлар режаси қабул қилингач, бу борадаги фаолият самарадорлиги ошди. Бу борада Хоразм вилоятида ҳам қатор ишлар амалга оширилиб келинмоқда.

Айниқса, профилактиканинг муҳим қисми ҳисобланган тарғибот-ташвиқот тадбирлари ўтказишга алоҳида эътибор қаратилган. Вилоят прокуратураси органлари ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг малакали ходимлари, ҳокимият вакиллари, зиёлилар, маҳалла оқсоқолларидан иборат тарғибот гуруҳлари таълим масканлари, ишлаб чиқариш корхоналари ва маҳаллаларда бўлиб, одам савдоси билан боғлиқ жиноятларнинг оғир оқибатлари, миллий қонунчилигимизга киритилган янги ҳуқуқий нормаларнинг аҳамияти тушунтирилмоқда.

Шу билан биргаликда, одам савдоси билан боғлиқ жиноятлар фош этилиб, жабрланувчиларга кўмак бериш, жиноятчиларга қатъий жазо белгилаш чоралари ҳам кўрилмоқда.

...Атрофдагиларнинг турмуши кун сайин яхшиланаётганлиги хонқалик Ҳайдарбекни бироз ўйлантириб қўйди. Ўтган ҳафтада бир қўшниси янги машина харид қилганди, мана кеча яна биттаси "Матиз" олибди. Уйларини таъмирлаётгани, тўй қилаётгани қанча? Ўзининг эса чўнтакларида шамол ҳувиллайди. Бир йўлини қилиб, даромадини кўпайтирмаса, элдан ортда қолиши тайин.

Шундай ўйлар гирдобида юрган кунларда Қурамбой исмли киши Россия Федерациясининг Астрахан шаҳрида ишлаш учун одам олиб кетаётганлиги тўғрисида эшитиб, Ҳайдарбек шошиб қолди. Биринчилардан бўлиб кетувчилар рўйхатига ёзилди. Асқар исмли Қурамбой аканинг жияниникига етиб борганида Россияга бориб ишлаш ниятидаги ўндан зиёд одамларни учратди.

Уларни Қурамбой аканинг ўғли Сапо қарши олди.

- Астраханда полизда ишлайсизлар. Ойлик маошларинг 250 АҚШ доллари миқдорида. Йўл пулингизни ўзим тўлайман. Астраханда сизларни отам кутиб олади.

Шу тариқа Сапо Раджапов Ҳайдарбек Жуманиёзовга қўшиб яна ўн икки кишини Астрахан шаҳрига жўнатиб юборди. Аммо "йўл пулини тўлашни" унутди.

Атраханда уларни Қурамбой ака бухоролик Жамшид ва россиялик Кирилл исмли фуқаролар билан биргаликда кутиб олди. Ўша куни Қурамбой ака ҳам ўғли каби маошларини вақтида олишларини, иш ва дам олиш шароитлари яхши бўлишини ваъда берганди. Аммо Кириллнинг полизида ишлай бошлагач, ваъдалар ёлғонлиги маълум бўлди. Улар эрталабки тўрт яримдан кечки $24^{00}$ гача тинмай ишлашар, тушлик қилишга рухсат берилмас, кечки овқатни эса белгиланган ишни бажариб бўлганларидан кейингина тановвул қилишарди. Гоҳ-гоҳида Кирилл уларни "калтак" билан "сийлаш"ни ҳам канда қилмасди. Азобларга чидай олмаган ишчилар Қурамбой акага мурожаат қилишганида, у яна "Бир ой чидаб туринглар, картошкани ковлаб бўлганингиздан кейин пулларингизни олиб бераман" дея пуч ваъдалар берди. Ўша муддат келиб, Кирилдан иш ҳақларини талаб қилишганида у "Пулингизни Қурамбой олиб кетган" дея жавобни қисқа қилди.

Бу пайтда эса, Сапо Раджапов яна бир неча содда фуқароларимизни аврашга улгурган эди.

Хусусан, у кейинги гал яна 14 кишини Россиянинг Астрахан шаҳрида ишлашга кўндириб, ҳар бирига 300 АҚШ доллари миқдорида ойлик маоши ва юқори меҳнат шароитлари ваъда қилиб, Россия Федерациясига олиб борди ҳамда келишувга мувофиқ, Кирилл Ларининг қўлига топширди. Ушбу фуқаролар ҳам қийноқлар гирдобида оч-наҳор, кечалари ухламасдан унинг даласида ишладилар. Эвазига эса азобдан, юрт соғинчидан, хасталикдан бошқа ҳеч нарса орттира олишмади.

Қонун ҳимоячиларининг кўмагида она юртимизга эсон-омон етиб келган йигирма нафардан зиёд фуқаролар поймол бўлган ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун яна қонундан нажот тиладилар. Суд Сапо Ражаповга қилмишига яраша жазо тайинлади.

Ушбу воқеа кишини ўйлантириб қўяди. Юртимизда одам савдосига қарши кураш чоралари амалга оширилаётганлигига икки йилдан ошди. Бу муддат ичида юқорида зикр этилганидек юзлаб тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилди. Юртдошларимиз алданиб қолиш хавфи тўғрисида қайта-қайта огоҳлантирилди. Иқтисодий муаммоларнинг олдини олиш юзасидан ҳам доимий равишда муайян чора-тадбирлар амалга оширилиб келинмоқда. Янги иш ўринлари яратиш чоралари кўрилмоқда. Меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқлари ҳимояланмоқда. Шундай бир шароитда мўмай даромад ахтариб ўзга юртларда сарсон-саргардон бўлишга не ҳожат? Ундан кўра ўз истеъдодимизни, билим ва маҳоратимизни она Ватанимиз равнақи учун бахш этсак, нур устига аъло нур эмасми?

Бугун ҳам кўплаб юртдошларимиз пул илинжида чет давлатларга чиқиб кетмоқдалар. Уларга яна бир карра огоҳ бўлинг, алданиб қолманг дея даъват қиламиз.

**Ойбек ЖУМАНИЁЗОВ,**
**журналист**

# МАСОФАДАН ЎҚИТУВЧИ ФИРИБГАР

Коллежларни битирган аксарият ёшлар олий таълим даргоҳларида ўқиб, олий маълумотли мутахассис бўлиш истагида ёнишади. Ота-оналар фарзандларининг орзу-ҳаваслари ушалиши учун жонларини жабборга беришади. Айрим олғирлар бундан ўзларининг ғаразли мақсадларида фойдаланадиган ҳолатлар афсуски, учрамоқда.

Қувасой тадбиркорлик ўқув-илмий марказини ташкил қилган Ю.Дадабоев ва унинг жиноий шериклари қарийб ўн йил мобайнида фаолият юритиб, 5 минг нафардан ортиқ йигит-қизлар ва уларнинг ота-оналари орзу-умидларини сароб-га айлантиришган. Ўқув марказининг бакалавр даражали дипломи ўтмас матоҳлигини билиб қолган уч минг нафардан зиёд талабалар ўқишни ташлаб кетишган. Тегишли тартибда аттестация ва аккредитациядан ўтмай олий таълим бериб келган Марказдан бакалавр даражасини олган 1600 нафар битирувчиларнинг дипломлари ҳақиқий эмас деб топилиб, куйиб қолишган. Марказга контракт асосида ўқишга қабул қилган фирибгарлар ўзгаларнинг миллиардлаб сўм пул маблағларини талон-торож қилиб ўзлаштиришган.

Қизиғи шундаки, ушбу жиноий гуруҳ фош этилиб оғизга тушган, тергов қилинаётган (улар қилмишларига яраша жазоланишди) бир пайтда Фарғона шаҳрида яна бир "Марказ"иш бошлади. Фарғона Давлат университетида инглиз тили ўқитувчиси бўлиб ишлаган, эллик ёшни қоралаган Икромжон Мирзаалиев Қувасой ўқув маркази каби ташкилот тузиб, катта пул ишлаб топиш иштиёқида енг шимариб ишга киришди.

2007 йил ёз ойлари Ўзбекистон Давлат Жаҳон тиллари университетининг Республика тил ўқитиш Маркази қошида "Фарғона полиглот сервис" масофавий таълим марказини ташкил этиш ҳаракатига тушди. Низомини тайёрлаб Фарғона шаҳар ҳокимлигида рўйхатдан ўтказди. "Универсалбанк" вилоят филиалида таълим марказининг ҳисоб рақамини очди. "Масофавий таълим маркази" йигит-қизларга чет тилларини ўқитиб ўргатиши белгиланган, бироқ олий маълумот бериш ҳуқуқига эга эмас, бунинг учун аккредитациядан ўтмаган эди. Марказга ҳадеганда абитуриентлар ҳужжат топширишавермагач, таъсисчи ва директор И.Мирзаалиев гўё бакалавр даражасининг берилиши тўғрисида овоза тарқатди. Олий маълумотли чет тили мутахассиси бўлиш истагидаги ёшлар ёпирилиб кела бошлашди. Директор энди ўқишга болаларни "элакдан ўтказиб" қабул қилиш имконини қўлга киритди. Имтиҳондан ўта олмаган болаларнинг ота-оналаридан тап тортмай пора оладиган бўлди. Бундан ташқари, ўқишга қабул қилинган талабалар контракт тўловларини ҳам тўлашди. Шу тариқа 2007-2008 ўқув йилларида "Масофавий таълим маркази"га бакалавр дипломи берилиши билан қизиқтирилган 256 нафар талаба қабул қилиниб ўқитила бошланди. Бироқ тез орада битирувчиларга бакалавр даражаси берилиши тўғрисидаги ваъдаларнинг пучлиги аён бўлиб қолди.

- Ростдан ҳам ота-оналар ва болаларни қизиқтириш учун бакалавр дипломи берамиз деб ёлғон ишлатгандик, - дейди судланувчи И.Мирзаалиев. - Болалар ўқишни битиргунларича тегишли тартибда аккредитациядан ўтишни мўлжаллагандик. Ўқиш учун олинган тўловларни бино ва жиҳозлар, компьютер, ўқув қуроллари, ходимларга маош сифатида сарфлаганмиз...

Судланувчи ўқишга қабул қилиш учун пора талаб қилиб олганини инкор этса-да, далиллар, гувоҳларнинг кўрсатмалари орқали ота-оналардан контракт тўловларидан ташқари жами 7850 АҚШ доллари ва 4180000 сўм пора олгани ўз исботини топди.

Суд И.Мирзаалиевга 11 йил муддатга озодликдан маҳрум этиш жазосини тайинлади. Шунингдек, ундан 80 нафардан зиёд жабрланувчиларга 44 миллион 900 минг сўм ундириб бериш, ўқув маркази мол-мулкини жабрланувчиларга етказилган зарарни қоплашга қаратиш хусусида ҳукм чиқарди.

Бу каби фирибгарларга алданиб қолмаслик учун ота-оналар фарзандлари ўқишга кирмоқчи бўлган янги очилган таълим муассасасининг ҳуқуқий мақомини сўраб-суриштиришлари зарур.

**Аҳмаджон ТЎХТАСИНОВ,**
**Фарғона вилоят прокуратураси бўлим прокурори**

# МАСТЛИК ОРҚАСИДАГИ ҚОТИЛЛИК

Судланувчи Артём Мартинов эндигина 20 ёшга тўлган йигит. У Учқудуқдаги кончилик коллежининг 2-босқичида ўқиётган бўлса-да, илгари ҳам судланишга улгурган эди. Ўшанда, яъни 2007 йилнинг 10 октябрида жиноят ишлари бўйича Томди туман судининг ҳукмига асосан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг тегишли моддаси билан айбдор деб топилган А.Мартиновга нисбатан энг кам ойлик иш ҳақининг юз баравари миқдорида жарима жазоси тайинланган (жарима тўланган). Аммо афсуски, бу жазо унга кор қилмаган экан. Орадан бир йил ҳам ўтмасдан А.Мартинов яна бир қабиҳ жиноятга қўл урди...

2008 йилнинг 17 июни. Соат тахминан 23.00ларда ширакайф ҳолда "Учқудуқ" ресторанига кирган Артём эски таниши Ирина Отиновани учратиб қолди. Буни қаранг-ки, Ирина ҳам "отиб олган" экан. Шундай бўлса-да, иккаласи яна бироз "отамлашишди".

Тун ярмида ресторандан чиқишгач, Ирина озроқ айланмоқчи эканлигини айтган эди, йигит розилик билдирди. Гап гапга уланиб, қарашса, спорт комплексининг олдида туришибди. Артёмнинг таклифи билан ичкарига киришганда эса, нима бўлди-ю уларнинг ўртасидан гап қочди. Қиз ўзича йигитдан хафа бўлиб, тўсатдан уни заифликда айблай бошлади. Бундай ҳақоратга чидай олмаган Артём ўзини тутиб туролмади. У қизни аёвсиз калтаклашга тушди. Уриб чарчагач, боши оққан томонга йўл олди. Бу вақтда қизнинг аҳволи оғирлашиб, бироздан сўнг жони узилади.

Мастлик бирининг бевақт ўлими, иккинчисининг эса суд ҳукми билан 17 йил муддатга озодликдан маҳрум этилишига сабаб бўлди.

**Алишер РАУПОВ,**
**Навоий вилоят прокуратураси бўлим бошлиғи ўринбосари**

# "ВЕРТОЛЁТ БЕКОРГА УЧМАДИ-ЁВ..."



Одамлар пул топишнинг не-не йўлларини ўйлаб топишмайди дейсиз. Етти нафар фарзанднинг онаси Фотима Муродова ҳам ёши бир жойга борганда ҳовлисига кўкнори экиб, ундан фойда олишни кўзлаб қолди. Аммо у бу қилмиши учун қонун олдида жавобгарликка тортилишини, эл-юрт олдида юзи шувит бўлишини ўйлаб ҳам кўрмади.

Ҳовлининг бир четига экилган кўкнорилар бўй чўзиб, кундан-кунга гуркирай бошлади. Фотима опа эса ҳосилнинг "пишишини" интизорлик билан кутиб, уйидан бир қадам ҳам чиқмай қўйди. Шундай кунларнинг бирида осмондан вертолёт учиб ўтди. Фотима опанинг юрагига ғулғула тушиб қолди: "Вертолёт бекорга учмади-ёв, текширувчилар бўлса-я, энди нима қиламан?", дея шоша-пиша 10 туп кўкнорини юлиб, қуритиш учун уйига олиб кириб қўйди. Ҳақиқатан ҳам аёл адашмаган эди.

Дарвозани тақиллатиб келган кишилар ўзларини Иштихон тумани ИИБ ходимларидан тузилган "Қорадори 2009" тадбири аъзолари деб таништиришди. Текшириш давомида 6x1 кв.м майдонга экилган 800 туп кўкнори ўсимлиги холислар иштирокида топилиб, шундан 793 тупи ёқиб юборилди. Қолган 7 туп кўкнори эса далилий ашё сифатида ҳужжатлаштириб олинди.

ИИБ ходимлари Фотима Муродовадан: "Яна бирор жойда гиёҳвандлик ўсимлиги борми?" деб сўраганларида аёл уйига қуритиш учун олиб қўйган 10 туп кўкнорини ҳам олиб чиқиб берди.

Худди шундай воқеа иштихонлик Зулфия Абдиеванинг уйида ҳам содир бўлди. Саксонни қоралаб қолган бу аёл ҳовлисининг 7x1 кв.м жойига кўкнори уруғини қадаб, уни астойдил парваришлаб келаётган экан. Афсуски, бу аёлнинг ҳосили ҳам пишиб улгурмади. Текширишга келган ИИБ ходимлари ҳовлидан нақд 1400 туп кўкнори ўсимлигини барқ уриб ўсиб ётган жойида топишди. Зулфия опа ҳам тепадан вертолёт учиб ўтганини кўриб, қўрққанидан кўкнорининг бир неча тупини суғуриб, кўздан панароқ жойга яшириб қўйган экан. Текшириш давомида улар ҳам топилиб, ашёвий далил сифатида олинди.

Бундай "деҳқончилик" Фотима Муродова ва Зулфия Абдиевага қимматга тушди. Суд уларга нисбатан тегишли жазо тайинлади. Энди улар ўз қилмишларидан тўғри хулоса чиқариб, фарзандларига муносиб она бўлади, деган умиддамиз.

**Салим ТИЛАВОВ,**
**Иштихон туман прокурори ёрдамчиси**

# ҚУРБОНЛАР СОНИ ОШМОҚДА



Гаити фожиаси қурбонларининг сони тобора ошиб бормоқда. Гаити ҳукуматининг тарқатган расмий маълумотига кўра, бугунга қадар зилзила натижасида 75 минг киши ҳаётдан кўз юмган, 250 мингдан ортиқ одам турли даражада тан жароҳати олган, бир миллиондан зиёд гаитилик бошпанасиз қолган. Порт-о-Пренсе атрофи ҳудудларидаги барча тармоқ ва соҳалар инфратузилмаси буткул издан чиққан.

Зарар кўрган ҳудудлар аҳолиси сув, озиқ-овқат, дори-дармон ва палаткалар етишмаётганлигидан жуда қийналмоқда. Жорий йилнинг 12 январида рўй берган, Рихтер шкаласи бўйича 7 балли ер қимирлаши Гаити тарихидаги энг фожиали воқеа бўлди.

Ҳозирги кунда Гаитига 10 дан ортиқ давлат ёрдам қўлини узатди. Улардан мунтазам биринчи навбатда зарур бўлган кундалик эҳтиёж моллари, сув, озиқ-овқатлар ва дори-дармонлар етказиб келинаяпти. Бироқ, булар ҳам аҳолининг тўлиқ эҳтиёжини қондира олмаяпти. Порт-о-Пренсе аэропорти эса инсонпарварлик ёрдами ортилган авиарейсларнинг барчасини ҳам қабул қилиб ололмаяпти. Йўлларнинг издан чиққанлиги туфайли пойтахт атрофидаги зарар кўрган ҳудудларга ёрдам етказиш ишлари қийин кечмоқда.

Порт-о-Пренседа муродёрлик ҳолати тобора тез-тез учраб турибди. Буни бартараф этиш мақсадида Гаитига БМТнинг икки минг ҳарбий ва бир ярим минг полициячидан иборат қўшимча контингенти киритилмоқда. Шунингдек, АҚШ ҳукумати ҳам Гаитидаги ўз ҳарбий контингентини кўпайтиришга қарор қилди. Яқин кунларда АҚШнинг бу ердаги контингенти ўн мингга етиши мумкин.

Қайд этиш керакки, айни пайтда Гаитида БМТнинг етти минг ҳарбий ва икки минг полициячидан иборат контингенти мавжуд. Улар бу ерга фуқаролик уруши юзага келишини олдини олиш мақсадида 2004 йилда сафарбар этилганди.

АҚШ, Европа Иттифоқи, БМТ ва Жаҳон банки Гаитига табиий офат оқибатларини бартараф этиш мақсадида умумий ҳисобда 500 миллион доллар миқдорида ёрдам пули ажратдилар. Яна 300 миллион долларга яқин маблағни бошқа давлатлар, хусусий компаниялар ва ташкилотлар тақдим этишди, деб хабар қилади "AFP" агентлиги.

# ИККИНЧИ БОСҚИЧГА ИККИТА НОМЗОД

***Украина марказий сайлов комиссияси мамлакатда 17 январь куни ўтказилган президент сайлови натижаларини расман эълон қилди. Ҳеч бир номзод биринчи босқичдаёқ ғалаба учун етарли бўлган овоз тўплай олмагани боис, сайловнинг иккинчи босқичи ҳам бўлиб ўтадиган бўлди.***



Иккинчи босқичга аксарият сиёсатчилар тахмин қилганидек, 35,32 фоиз овоз олган Виктор Янукович ҳамда 25,05 фоиз овоз йиққан Юлия Тимошенколар ўтишди.

Учинчи ўринни 13,06 фоиз овоз билан Украина марказий банкининг собиқ раҳбари Тигипко, ундан кейинги ўйинларни эса Украина Радасининг собиқ спикери Арсений Яценюк 6,9 фоиз билан ва 5,4 фоиз овоз олган амалдаги президент Виктор Ющенко эгаллашди.

Коммунист Петр Симоненко 3,55 фоиз овоз тўплаб, олтинчи ўринда турибди. Рада спикери Владимир Литвинин эса 2,35 фоиз билан еттинчи ўринда, "Озодлик" партияси лидери Олег Тягнибок сайловчиларнинг 1,43 фоиз овозига эга бўлган бўлса, депутат Анатолий Гриценко ундан-да камроқ, 1,2 фоиз овоз олган, холос.

Қолган номзодлар, жумладан Инна Богословская, Олег Мороз, Юрий Костенко, Людмила Супрун, Василий Противсех, Александр Пабат, Сергей Ратушняк, Михаил Бродский ва Олег Рябоконьлар эса 1 фоиз ҳам овоз йиға олмаганлар. Аҳолининг сайлов фаоллиги 66,76 фоизни ташкил этгани ҳолда, 2,2 фоиз сайловчи номзодларнинг барчасига қарши овоз берган.

Украина президентлигига сайловнинг иккинчи босқичи жорий йилнинг 7 февралида бўлиб ўтади.

Бироқ, президентликка даъвогарлар ҳозирданоқ келгуси режаларини эълон қилиб, ўз тарафдорлари сонини ошириш билан овора бўлишмоқда. "Ҳудудлар партияси" вакилларининг айтишича, агар Виктор Янукович президент этиб сайланса, Украинани ҳам Болтиқ денгизи туби бўйлаб Россия ва Германияни боғлайдиган "Шимолий оқим" газ қувурини қурувчилар таркибига киритишга ҳаракат қилинар экан.

"Шимолий оқим" транзит-давлатлар, шу жумладан, биринчи навбатда Украинани четлаб, Европага газ етказиб бериш мақсадида Россияда ўйлаб топилганди. Ҳозирда газ қувурини қуриш бўйича консорциумга Россиянинг "Газпром", немисларнинг "Wintershall" ва "E.ON Ruhrgas", шунингдек Швейцариянинг "Gasunie" кампаниялари киради.

Януковичнинг гапига қараганда, Украинанинг "Шимолий оқим" лойиҳасидаги иштироки мамлакат бюджетига қўшимча даромад олиб келади. Украина консорциум аъзоларидан газ қувури йўналишини ўзгартиришни талаб қиладими ёйўқ, ҳали номаълум. Шу билан бирга "Газпром" ва унинг ҳамкорларига Украинанинг иштироки қандай имтиёз ёки манфаат бериши ҳам ҳамон тушунарсизлигича қолмоқда, деб хабар қилади "Интерфакс" ахборот агентлиги.

# ПУХТА ЎЙЛАНГАН ОПЕРАЦИЯ



"Yemen Observer" нашрининг хабар беришича, Яманда "Ал-Қоида" террорчилик ташкилотининг раҳбарларидан бири бўлмиш Саид ал-Шехри ҳибсга олинган. У кетаётган автомашина блокпостлардан бирини ёриб ўтмоқчи бўлган пайтда, ағдарилиб кетган. Қайд этиш жоизки, буларнинг барчаси Яман ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари томонидан пухта тайёрланган операция бўлиб, террорчи танлаган йўналишда авваллари ҳеч қандай блокпост бўлмагани сабабли автомашина бу сафар ҳам йўналишини ўзгартирмаган. Бироқ, тезликда барпо этилган блокпостни кўрган террорчилар саросимага тушишган. Уни катта тезликда ёриб ўтаман деган хаёлдаги ҳайдовчи бўлса, машинани тўсиқлардан бирига уриб, ағдариб юборган.

Автомашина ағдарилиб, Силан дарёсига тушиб кетгач, Саид ал-Шехри билан бирга бўлган бошқа террорчилар ҳам ҳибсга олинган. Шунингдек, Яман ҳукумати 18 январда "Ал-Қоида"нинг яна уч нафар аъзоси ушланганлиги ва 15 январь куни амалга оширилган авиа зарба натижасида олтита жангари йўқ қилинганлиги тўғрисида расмий ахборот тарқатган.

Яман ҳукумати ўз баёнотида, "Ал-Қоида" билан, токи бу ташкилот ўзининг террористик қарашларидан воз кечиб, таслим бўлмагунга қадар уруш олиб борилишини билдирди. Саид ал-Шехри авваллари ҳам ўзининг экстремистик фаолияти учун ушланган эди. У АҚШ қамоқхонасида жами 6 йил сақланган, кейинчалик Саудия Арабистонига экстрадиция қилиниб, сўнгра озодликка чиққан. 2008 йилда у "Ал-Қоида"нинг Арабистон ярим оролидаги амири этиб тайинланган.

# Ўғирланган олтинлар

Францияда қуролланган тўрт нафар шахс Лион яқинидаги металл қуйиш заводи ҳудудига кириб, 100 килограммдан ортиқ олтин қуйилмаларни ўғирлаб кетган. "Le Monde" нашрининг хабар беришича, ушбу жиноят душанба куни эрталаб содир этилган. Жиноятчилар дастлаб завод ишчиларидан бирининг уйига келиб, уни турмуш ўртоғи билан гаровга олишган. Сўнгра уни завод ҳудудига олиб ўтиб, қимматбаҳо металларни қайта ишлаш цехини очиб беришга мажбур қилишган.





Ўғирланган олтиннинг аниқ қиймати ошкор этилмаяпти. Заводдан чиққан "омадли жентельменлар" бир дона ҳам ўқ узмай ва қаршиликка ҳам учрамай, номаълум томонга йўл олишган. Полициянинг жиноятчиларни аниқлаш бўйича олиб бораётган ишлари ҳозирча самара бермаяпти.

Лиондаги қимматбаҳо металларни қайта ишлаш цехи биринчи бор туналмаяпти. 2007 йилда ҳам тўрт нафар қуролланган шахс цехга кириб, 270 килограмм олтин ва шунча миқдордаги бошқа қимматбаҳо металларни олиб, жуфтакни ростлашганди. Ўшанда жиноятчилар томонидан ўғирланган металларнинг умумий қиймати 9 миллион еврони ташкил этган эди.

# Ципи Ливни жавобгарликка тортиладими?



Исроил собиқ ташқи ишлар вазири Ципи Ливни Буюкбритания суди олдида жавоб беришга тайёргарлигини билдирди. Ливни хоним Исроил ҳукумати томонидан Ғазо секторида ўтказилган "Қуйма қўрғошин" ҳарбий операцияси давомида амалга оширган ҳаракатларининг барча қонун доирасида бўлганлигини судга исботлаб бермоқчи.

2009 йилнинг декабрида Буюкбритания суди Ципи Ливнини ҳарбий жиноятларни содир этганликда айблаб, қамоққа олиш тўғрисида қарор қабул қилганлиги маълум бўлди. Ўшанда собиқ вазир ошкор этилмаган сабабларга кўра, Буюкбританияга ташрифини бекор қилганди. Кейинчалик эса Ливни хоним Британия юрисдикциясига кирмаганлиги боис, "Кадима" партияси етакчисини ҳибсга олиш тўғрисидаги ордер чақириб олинган, деб хабар беради "CNN" телекомпанияси.

Ципи Ливни "Қуйма қўрғошин" операцияси давомида Исроилда ташқи ишлар вазири лавозимини эгаллаган ва бевосита ушбу операцияни режалаштириш ва ташкиллаштиришда иштирок этган. У мазкур ҳолат юзасидан баёнот бериб, Буюкбритания судининг қарорини Исроил томонга қилинган хуруж деб баҳолаб, бундай ҳолатлар Исроил-Фаластин ўртасида шаклланаётган барқарорликка жиддий хавф туғдиришини таъкидлади.

Шунингдек, Ципи Ливнини айнан қайси жинояти учун жавобгарликка тортилиши мумкинлиги ҳам аниқлаштирилмаяпти. 2008 йилнинг охири ва 2009 йил бошида исроилликлар томонидан ўтказилган "Қуйма қўрғошин" операцияси ХАМАС томонидан Исроил ҳудудларининг ракета зарбаларига тутилганлигига жавоб тариқасида амалга оширилди. Бу ҳаракат жаҳон ҳамжамияти томонидан кескин танқид остига олинган. Хусусан, Исроилни Фаластин ҳудудларига шифокорлар ва инсонпарварлик ёрдамларини ўтказмаётганликда, шунингдек, тинч аҳолини ўққа тутганликда ҳам айблашган.

# Коррупцияга қарши муросасиз кураш

Хитой Халқ Республикаси Олий суди раисининг ўринбосари устидан олиб борилган суд жараёни ниҳоясига етди. Қайд этиш жоизки, бу суд жараёни кўплаб хитойликлар, шунингдек, бир нечта хорижий оммавий ахборот воситалари томонидан ҳам кузатиб борилди.

52 ёшли Хуан Сунью мол-мулки мусодара қилинган тарзда ва сиёсий ҳуқуқлари чекланиб, умрбод қамоқ жазосига ҳукм қилинди.

Тергов ва суд давомида аниқланишича, 2005 йилдан 2008 йилга қадар Хитой Олий судида юқори лавозимни эгаллаган Хуан Сунью умумий ҳисобда 3,9 миллион юань (574 минг АҚШ доллари) миқдорида пора олган экан. Бундан ташқари, у 1997 йилда давлатга тегишли 1,2 миллион юанни ҳам ўзлаштириш йўли билан талон-торож қилган.

Хуан Сунью 2008 йилда Хитой давлат ҳокимиятининг олий органи бўлмиш - Умумхитой халқ вакиллари кенгаши доимий қўмитасининг қарорига асосан ўз лавозимидан озод қилинган эди. "Синьхуа" ахборот агентлигининг хабар беришича, у Хитой Олий судининг лавозимидан озод этилгач, коррупцияда айбдор деб топилиб, жазога тортилган биринчи судьяси ҳисобланади. Хуан ўз айбига тўлиқ иқрор бўлиб, ноқонуний равишда олган пулларини аксарият қисмини давлатга қайтарди.

**Интернет хабарлари асосида**
**Д.ЭШМУРОДОВ тайёрлади**

ЭЪЛОН · ЭЪЛОН · ЭЪЛОН · ЭЪЛОН · ЭЪЛОН ·

"Huquq" газетаси таҳририяти тажрибали журналистларни

**1. Андижон** **4. Жиззах** **7. Бухоро**
**2. Наманган** **5. Самарқанд** **8. Навоий**
**3. Сирдарё** **6. Сурхондарё** **9. Хоразм**

вилоятлари бўйича мухбирлик лавозимларига ишга таклиф қилади.

Талабгорлар қуйидаги маълумотлар кўрсатилган резюмеларини **huquq.uz@gmail.com** электрон манзилига юборишлари мумкин.

1. Ф.И.Ш.;
2. Манзили;
3. Фотосурати;
4. Маълумоти (ўқув муассаса номи);
5. Иш стажи (фаолият даври, ташкилот номи);
6. Охирги чоп этилган материаллари (қачон ва қайси нашрда);
7. Компьютерни билиш даражаси;
8. Телефон рақами;
9. Қизиқишлари.

*Резюмелари мос келмаганларга жавоб қайтарилмайди.*

